БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 21 (19.692). • 1987 йил 25 январь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

23 январь куни КПСС Марказий Комитетида кенгаш бўлиб ўтди, унда КПСС Марказий Комитетининг «Қишлоқ хўжалигини ташкил этишнинг оқилона формаларини ва хўжалик ҳисобини жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини оширишга доир энг зарур тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш муносабати билан партия ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, Е. К. Лигачев, Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар В. И. Долгих, Н. В. Тализин, Марказий Комитет секретарлари А. П. Бирюкова, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари қатнашдилар.

Залда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларининг, халқ депутатлари область ва ўлка Советлари ижроия комитетларининг раислари, иттифоқдош ва автоном республикалар Давлат агросаноат комитетларининг, ўлка ва областлар агросаноат комитетларининг раислари, СССР Давлат банкининг республика, ўлка ва область муассасалари раислари, иттифоқдош республикаларнинг молия министрлари ва Госпланлари раислари, колхоз ва совхозларнинг, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналарининг, илмий муассасаларнинг, қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, СССР министрлари, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари бор эди.

Кенгашни ўртоқ **М. С. Горбачев** очди.

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ўртоқлар, биз сизларни давом этаётган ва тобора кучайиб бораётган қайта қуриш давомида биз ҳал этаётган, айтишим мумкинки, биринчи даражали аҳамиятга молик масалалар юзасидан гаплашиб олиш учун КПСС Марказий Комитетига таклиф этдик.

Умуман биз турли-туман кенгашларни тобора камроқ ўтказиш позициясида турибмиз ва ҳозир, мамлакатнинг ўтган йилги иш якунлари чиқарилаётган, съезддан кейинги биринчи йил тажрибасидан сабоқлар олинаётган бир пайтда бу ишларнинг ҳаммасини жойларда, ўз корхоналарида ва аввало иш лар яхши бормаётган жойларда қилишни Иттифоқ ва республика идораларига тавсия этдик. Халқ билан учрашишни, ишчилар, мутахассислар билан маслаҳатлашишни тавсия этдик, айниқса бутун экономика шу йилнинг январидан бошлаб хўжалик юритишнинг янги усулларини ўзлаштириш соҳасидаги жуда катта ишга жалб этилганлиги муносабати билан шундай қилмоқ керак. Шундай бўлса-да, биз ҳозирги вазиятда бу ерда, партия Марказий Комитетида сизлар билан мана шу ўчрашувни зарур, деб тондик.

Биз мамлакатда ўтказаётган қайта қуриш жамиятимиз турмушининг ҳамма соҳаларини қамраб олмоқда. Биз социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини ҳал этишни мана шу қайта қуриш билан боғламоқдамиз, тараққиётни жадаллаштириш эса партия Марказий Комитетининг апрель Пленуми билан КПСС XXVII съезди белгилаб берган стратегик вазифадир. Бу йўлни изчиллик ва қатъият билан, айтишим мумкинки, биз шу пайтгача қилгандан кўра кўпроқ сабот билан ўтказиш лозим. Бу ишнинг зарурлигига биз кечагидан кўра ҳам кўпроқ аминмиз.

Мен партия Марказий Комитетининг қайта қуриш ва кадрлар сиёсати тўғрисидаги масалани кўриб чиқадиган Пленумида бўладиган гапларни олдиндан айтиб қўймоқчи эмасман. Пленум 27 январь куни иш бошлайди. Аммо ҳозир шуни айтмоқчиманки, биз бу Пленумда съезд ишлаб чиққан сиёсий йўлнинг зарурлигини, бизнинг шу сиёсий йўл амалга оширилиши учун совет халқи ва социализм дунёси олдидаги масъулиятимиз тўғрисида яна бир бор гапириб ўтамиз.

Аммо ҳамма соҳаларни — иқтисодий, социал, маънавий соҳаларни ва партиянинг ўзини, бутун сиёсий системани қамраб оладиган қайта қуришда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган проблемалар бор. Зеро биз қилмоқчи бўлган ишларнинг ҳаммаси пировард натижада иқтисодий, сиёсий, социал соҳаларда давлатимизнинг мустаҳкамлигини янада кучайтириши лозим. Халқимизнинг турмуш шароитларини яхшилашда янги ютуқларга олиб келиши керак. Мана энди мен бугунги кенгашимиз мавзуига ўтаман. Бу кенгашда гап ҳозир, қайта қуриш босқичида биз биринчи галда бир қанча жуда зарур проблемаларни ҳал этишимиз кераклиги ҳақида боради. Бу проблемалар орасида озиқ-овқат проблемаси, улар орасида уй-жой проблемаси, совет кишисининг турмушини социал жиҳатдан маъмур қилиш масаллалари, уни зарур моллар, яхши медицина хизмати, маиший хизмат билан таъминлаш ва шу каби масалалар бор.

Озиқ-овқат проблемасига келганда шуни айтиш керакки, биз бу проблемани тузукроқ ўрнидан силжитишимиз керак, ўртоқлар. Биз бу ишларда жуда узоқ вақт бир жойда депсиниб турдик, деярли тўхтаб қолдик. Бутун ўн биринчи беш йилликда жойдан кўзғалмадик. Биз 1972 йилдан бошлаб, айниқса кўп миқдордаги чорва моллар нобуд бўлган 1975 йилдан бошлаб то КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумигача бир жойдан қўзғала олмадик. Фақат шу Пленумдан кейингина чорвачиликни ривожлантиришдаги ҳаракат бошланди, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш кўпая бошлади. Ўтган саккиз йил мобайнида эса аҳоли ҳам кўпайди, одамларнинг харид қобилияти ҳам ошди. Улар иш ҳақи кўпайганлиги натижасида олган даромадларини реализация қилишни хоҳлайдилар. Бу шундай масалаларки, унинг ҳал этилишини асло пайсалга солиб бўлмайди. Бу масаланинг ҳал этилишини кўп йилларга чўзишга йўл қўйиб бўлмайди.

Аграр секторда энди жуда катта капитал борлиги, имконият вужудга келтирилганлиги учун биз озиқ-овқат масаласини мана шундай ўткир қилиб қўяяпмиз, уни тезроқ ҳал этишга чақиряпмиз. Ҳозир агросаноат комплексини хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтказишга қодир бўлган кадрлар вояга етди. Ниҳоят, кейинги йилларда конкрет тажриба орттирилди, шу тажрибага таяниб энди озиқ-овқат проблемасини ҳал этиш билан боғлиқ бўлган катта-катта масалаларни ечиш мумкин.

Мана шуларга асосланиб, биз Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросида агросаноат комплексидаги ишларни жиддий равишда зўр ғайрат билан олиб бориш ва Озиқ-овқат программасини тезроқ амалга ошириш учун янгича ёндашувларга ва меҳнат унумдорлигининг янги даражасига эришиш ҳақида йўл-йўриқ берадиган янги миқёсли, йирик қарорлар қабул қилиш зарур, деган хулосага келдик.

Хўш, бу ишни қандай қилиб амалга ошириш мумкин? Асосий диққат-эътиборни нималарга қаратиш керак? Нималарни қурол қилиб олиш керагу, нималардан қатъиян воз кечиш лозим ва нималарни бартараф қилиш зарур — бугунги амалий кенгашимизнинг мавзуи мана шундан иборат.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг секретари **В. П. Никонов** доклад қилди. У ҳозир мамлакатимизда ўқув синфхоналари ва аудиторияларида ҳар куни 12 миллиондан зиёд механизаторлар, чорвадорлар, экономистлар ва бухгалтерлар, технолог мутахассислар, қайта ишлаш саноати ходимлари, агросаноат комплекси хўжаликлари ва корхоналарининг раҳбарлари ўқиётганлигини айтди. Мана шу оммавий таълим агросаноат комплексидаги ходимларнинг ҳар бир категорияси учун ишлаб чиқилган махсус программага мувофиқ ўтказилмоқда.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, КПСС ўлка ва область комитетларининг секретарлари мазмуни жиҳатидан муфассал таълим курсида ўқишни тугалладилар. У мамлакат Озиқ-овқат программасини ўз вақтида ва тўла-тўкис бажариш йўлида агросаноат комплексини ривожлантиришга партиявий раҳбарликни тубдан такомиллаштириш проблемаларига бағишланди.

Нотиқ агросаноат комплексининг 1986 йил иш якунларини тавсифлаб, Озиқ-овқат программасини бажариш борасидаги дастлабки тўрт йиллик ишларнинг натижалари аҳоли жон бошига гўшт истеъмолини 4 килограмм (62,5), сут ва сут маҳсулотлари истеъмолини 32 килограмм (332), тухум истеъмолини 16 дона (265) кўпайтириш имконини берганлигини таъкидлади. Келтирилган кўрсаткичлар бизни қониқтирмаса ҳам, ўсиш суръатини, айниқса гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш суръатини деярли икки баравар ошириш лозим бўлса-да, биз олға томон муттасил ҳаракат қиляпмиз. Қишлоқ меҳнаткашларининг, айниқса мамлакат чорвадорларининг ўн иккинчи беш йиллик биринчи йилидаги меҳнати якунлари ҳақида илиқ, самимий сўзларни айтиш керак.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ 1986 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

I. ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УМУМИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1986 йилда КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларини амалга ошириш давомида республика халқ хўжалигида ижобий силжишлар рўй берди, унинг самарадорлиги ошди. Тараққиёт суръатларининг пасайишидан иборат салбий тенденция бартараф этила борди; ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бир қанча тармоқларида ўсиш суръатлари ошди. Социал сиёсатни янада активроқ амалга ошириш, социал-маданий соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлаш сари бурилиш бошланди.

Шу билан бирга йил якунлари қайта қуриш соҳасидаги иш ҳамма жойда ҳам замон руҳига монанд бўлмаганидан далолат бериб турибди. Халқ хўжалигининг айрим участкаларида қайта қуриш секинлик билан ўтди. Ишлаб чиқаришнинг бир маромда ишламаслиги, маҳсулот турлари ва сифати жиҳатидан белгиланган планни, шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини бажаришда жиддий камчиликлар давом этди. Қурилишни концентрациялаш ва ўз вақтида битказиш таъминланмади. Ишлаб чиқариш резервларидан етарли фойдаланилмади, моддий ресурсларнинг нобуд бўлишига ва ортиқча сарфланишига йўл қўйилди. Аҳолининг молларга ва хизматларга бўлган талаби тўла-тўкис қондирилмади.

Республика иқтисодий ва социал тараққиёти асосий кўрсаткичларининг ўсиш суръатларини қуйидаги маълумотлардан билиб олиш мумкин:

	1986 йилда 1985 йилга нисбатан процент ҳисобида
Ҳосил қилинган миллий даромад	103,4
Саноат маҳсулоти — жами	105,8
Шу жумладан:	
Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш	106,5
Истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш	103,9
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	97,3
Асосий фондларни ишга тушириш	103
Капитал маблағ сарфлаш	102
Ҳамма турдаги транспортда юк ташиш (жўнатиш) ҳажми	87,6
Ҳамма турдаги транспортда пассажир оборoти	104,3
Ижтимоий меҳнат унумдорлиги	102,1
Ишчи ва хизматчилар сони	102
Халқ хўжалигидаги иш ҳақи фонди	102,9
Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача иш ҳақи	101
Колхозларнинг жамоат хўжалигида колхозчиларнинг меҳнат ҳақи	104,4
Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига тўловлар ва имтиёзлар	105,2
Аҳоли жон бошига реал даромадлар	103
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти	107,4
Шу жумладан алкоголли ичимликлар сотиш ҳажмидан ташқари	108
Аҳолига ҳақ олиб кўрсатиладиган хизматлар ҳажми	122,4
Фойдаланиш учун топширилган уй-жойларнинг умумий ҳажми	96

Ҳосил қилинган **миллий даромад** (ҳақиқий нархларда) 22 миллиард сўмликдан кўпроқни ташкил этди.

Саноат маҳсулоти ўтган йилга нисбатан 1,3 миллиард сўмлик миқдордан кўпайиб 23 миллиард сўмликка етди.

1986 йилда 9,9 миллиард сўмлик **қишлоқ хўжалик маҳсулоти** олинди, бу — ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик маҳсулотдан 0,5 миллиард сўмлик ёки 4,7 процент камдир.

Халқ хўжалигида 6,6 миллиард сўмлик **асосий фондлар ишга туширилди.**

II. ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШ

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ

Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви машинасозликни сифат жиҳатдан ўзгартириш негизида давом этди. Унинг маҳсулотини **янгилаш** миқёслари ўсиб, 1985 йилдаги 0,8 процент ўрнига 3,7 процентга етди.

Бироқ саноат маҳсулотини янгилашнинг планлаштирилган суръатларига эришилмади. Кўпгина маҳсулотларнинг техникавий даражаси ва сифати ҳали ҳам паст. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи 10 процентни ташкил этди. Маҳсулот сифатини ошириш учун курашда **давлат қабули** алоҳида ўрин эгаллади, халқ хўжалигининг энг муҳим маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган 33 та корхонада давлат қабули жорий қилинди.

Саноат корхоналарини замонавий механизация ва автоматлаштириш воситалари билан таъминлаш ошди. 68 та саноат роботи жорий қилинди, 252 та механизациялашган поток, автомат ва роторли линия ўрнатилди. 262 та участка, цех, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилган тартибда ишлашга ўтказилди.

Халқ хўжалиги тармоқларида **илғор технологиялардан** фойдаланиш кенгайди.

Саноатда қатламга таъсир ўтказишнинг янги усулларини қўлланиб, нефть қазиб олиш ҳажмлари кўпайди, пармалаш тезлигини ошириш имконини берадиган қўйи оборотли пармалаш ҳажми ортди.

Материалларга плазма усулида ишлов берадиган қурилмадан фойдаланиб, қолип ясашнинг самарали усули, қуйма пайвандланган конструкциялар, чўкичланган буюмлар, штамповкаларни комплекс механизациялашган усулда ишлаб чиқариш янада кенг оммалашди.

Шу билан бирга янги машиналар, приборлар, асбоб-ускуналар ва технологияларни жорий қилиш миқёслари етарли эмас. Умуман фан ва техникани ривожлантириш юзасидан белгиланган топшириқларни амалга оширишдаги қолоқлик тугатилгани йўқ. Ўзбекистон ССР Винокорлик материаллари саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳамда бошқа министрликлар ва идоралар планни бажармади.

Озиқ-овқат саноатида фермент препаратлардан фойдаланиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

Қурилишда комплект тарзда етказиб берилган енгил металл конструкциялардан ва янги туркумлардаги йирик панелли конструкциялардан саноат биноларини, енгил йиғма темир-бетон, металл, асбестцемент ва бошқа самарали конструкциялардан тўла йиғма қишлоқ ишлаб чиқариш бинолари қуриш амалга оширилди. Яхлит бетондан қурилган иншоотлар ҳажми ошди. Айни вақтда қурилиш техникасидан қониқарсиз фойдаланилмоқда, машиналарнинг асосий турлари иш унумини тузукроқ кўпайтиришга эришилмади.

Автомобиль транспортида юк автомобилларини газ ёқилғидан фойдаланишга ўтказиш ҳаддан ташқари секинлик билан амалга оширилмоқда.

Фан ва техника ютуқларини жорий этишда меҳнат коллективлари актив қатнашдилар. Республика халқ хўжалигида 55 мингтадан кўпроқ ихтиро ва рационализаторлик таклифидан фойдаланилди.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон касаба союзларининг XIII съезди

Ўзбекистон касаба союзларининг XIII съезди 24 январь куни Тошкентда ўз ишини тамомлади.

Делегатлар қилинган иш ҳақида ва КПСС XXVII съезди қарорлари асосида республика касаба союзларининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг ҳисобот докладини, Ўзбекистон касаба союзлари ревизия комиссиясининг докладини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Делегатлар якдиллик билан қабул қилган резолюцияда республика касаба союзларининг КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларидан, партия ўртага қўйган мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш концепциясидан келиб чиқадиган вазифалари белгиланди. Ўзбекистон касаба союзлари ревизия комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.

Съезд Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг янги составини, республика касаба союзларининг ревизия комиссиясини сайлади.

Ўртоқ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВнинг Ўзбекистон касаба союзлари XIII съездида сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Ўзбекистон касаба союзларининг ўн учинчи съезди республикамиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Унинг аҳамияти социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг кенг миқёсли ва мураккаб вазифаларини ҳал этишда касаба союзлари ўйнаётган роль билан белгиланади.

Съезд касаба союз ташкилотларининг сиёсий ва ижтимоий етуклиги учун жиддий имтиҳон бўлди. Улар республика меҳнаткашларини КПСС XXVII съезди қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини бажаришга қандай сафарбар этаётганликлари имтиҳони бўлди. Ҳисобот докладида, делегатларнинг нутқларида касаба союз ишини қайта қуриш қандай амалга оширилаётганлиги ва касаба союз ташкилотлари ишини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, инсон омилини қатъият билан кучайтириш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида ўз-ўзини танқид асосида батафсил ва амалий равишда гап бораётганлиги жуда соз.

Ишнинг муваффақиятини пировард натижада одамлар ҳал этадилар. «Касаба союзлари учун социал сиёсат, меҳнаткашларнинг манфаатлари ҳамиша биринчи ўринда бўлиши керак», — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев.

Ленининг касаба союзларига бошқарув мактаби, хўжалик юритиш мактаби ва коммунизм мактаби, деб берган таърифи ҳозирги шароитда алоҳида аҳамият касб этади. Партия сиёсий, хўжалик ва социал-маданий масалаларни ҳал этишда касаба союзларининг ролини оширишга биринчи даражали аҳамият бермоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети касаба союзларининг иши замон руҳига монанд бўлишига, уларнинг иш услуби ва методлари доимо такомиллашиб боришига, улар янада собиқадамлик ва қатъият билан ҳаракат қилишлари, омманинг бунёдкорлик ғайрат-шижоатини қўлф урдирадиган бўлишларига ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси касаба союзлари бошқа жамоат ташкилотлари ёрдамида кадрларнинг ташаббусини, топширилган иш учун уларнинг масъулиятини оширмоқда, интизом ва тартибни мустаҳкамламоқда, ишни янгичасига йўлга қўймоқда. Салбий ҳодисаларга қарши, умрини яшаб бўлган эски, қолоқ усулларга қарши муросасиз курашни меҳнаткашлар тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар. Ҳозир партия, хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим участкаларига ғоявий этиқодли, билимдон, яхши тайёргарлик кўрган кишилар бошчилик қилмоқдалар.

Барча миллат ва элатларга мансуб меҳнаткашлар давлат ва жамоат ҳаётида актив қатнашмоқдалар, социалистик Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини илҳомбахш меҳнатлари билан оширмоқдалар, халқлар дўстлиги ва қардошлиги мустаҳкамланмоқда.

Қилинган ишлар натижасида халқ-хўжалигини ривожлантиришда бирмунча силжишга эришилди. Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида республикада миллий даромад 3,4 процент кўпайди. Аввалги йилга нисбатан саноат маҳсулоти қарийб 6 процент ошди. Пландан ташқари 255 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини харид қилиш давлат топшириқлари ошириб бажарилди. Экономиканинг социал самарадорлиги кучайди. Уй-жой, мактаблар, болалар ва даволаш муассасалари кўпроқ қурилди. Транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва санъат проблемаларига эътибор ошди.

Бироқ хўжалик раҳбарлари, касаба союз ташкилотлари одамларнинг энг зарур эҳтиёжларига янада эътибор билан қараганларида, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳақида амалда ғамхўрлик қилганларида эди, бундан ҳам яхшироқ натижаларга эришиш мумкин бўлурди. Кўпгина соҳаларда қайта қуриш чуқур жараёнларга етиб боргани йўқ, аслида умумий даъватлар ва дабдабали кўрсатмалар билан алмаштирилмоқда. 234 та корхона ишлаб чиқариш ҳажмини 414 миллион сўмлик миқдорда камайтирди, 320 тадан ортиқ корхона шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини барбод этди, 350 миллион сўмлик маҳсулот кам берилди. Фан ва техника ютуқлари секинлик билан жорий этилмоқда. Моддий ресурсларнинг исроф бўлишига ва ортиқча сарфланишига йўл қўйилмоқда.

Қурилишда капитал маблағларни марказлаштириш ва ўз вақтида ўзлаштириш таъминланмади. Асосий фондларни ишга тушириш йиллик плани атиги 77 процент бажарилди.

Агросаноат комплексидаги ишларнинг аҳволи айниқса бизни ташвишлантирмоқда. Биз колхоз ва совхозларнинг қудратли ишлаб чиқариш-иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланишга эриша олмадик, ишлаб чиқаришнинг белгиланган суръатларини таъминламадик. Пахта, дон, полиз маҳсулотлари, хўл мева ва узум тайёрлаш плани бажарилмади.

Аҳолининг моллар ва хизматларга бўлган талаби тўла-тўкис қондирилмади. Аҳоли жон бошига товар оборотининг ҳажми жиҳатидан Ўзбекистон мамлакатдаги республикалар орасида ўн учинчи ўринда, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида эса охирги ўринда турибди.

Мана шу камчилик ва нуқсонларнинг ҳаммасида касаба союз ташкилотларининг ишидаги жиддий камчиликлар ҳам сезилиб турибди. Чунки социалистик мусобақада ҳамма коллективлар қатнашган бўлса ҳам, аммо баъзи жойларда сўз билан ишнинг бирлиги таъминланмади. Хўжалик юритишимиз сабоқларидан принципиал хулосалар чиқариб олиш, бутун диққат-эътиборни камчиликларга ва ҳал этилмаган проблемаларга қаратиш, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш керак, ўртоқлар.

Ҳозир барча меҳнат коллективларида XII беш йиллик учун ва Совет ҳокиматининг юбилей йили —1987 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул этилди. Юксак марралар белгиланди. Шартномавий мажбуриятларни сўзсиз бажариш, буюртма берилган ҳамма маҳсулотнинг барча турларини белгиланган муддатларда юз процент етказиб бериш энг асосий марралардир. Фан-техника тараққиётига, маҳсулот сифатини яхшилашга, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Беш йиллик мобайнида ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш суръатларини 1,3 баравар жадаллаштириш, станокларни янгилаш лозим. Эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш икки баравар кўпайтирилади, қўл меҳнатининг даражасини анча камайтириш, Давлат сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқаришни 1,7 баравар кўпайтириш, 1987 йилда тайёрланган жами пахтанинг 60 процентини машинада териб олиш белгиланган.

Социал соҳада 1990 йилда «Сиҳат-саломатлик» комплекс программасини амалга оширишга, аҳолига кўрсатиладиган хизмат ҳажмини 1,7—1,8 баравар кўпайтиришга қарор берилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси — партия ва ҳукуматнинг республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлигига меҳнаткашларнинг аниқ-равшан жавобидир, ишчилар, колхозчилар, халқ зиёлилари, барча касаба союз аъзолари ижтимоий-сиёсий активлиги ошганлигининг далилидир.

Бироқ бир қанча министрлик ва идоралар, корхона ва хўжаликлар журъатсизлик қилмоқдалар, ҳадиксираб иш тутмоқдалар, камроқ топшириқ олишга интилмоқдалар. Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё областлари дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан мажбурият қабул қилмадилар. Мажбуриятларга камайтирилган рақамларни ёзиб қўйишга уринишлар бўлмоқда. Андижон, Сирдарё ва Тошкент областлари бултургидан камроқ маккажўхори ҳосили олишни планлаштирмоқдалар. Уй-жой ва социал-маданий-маиший объектлар қурилишини кескин кўпайтириш соҳасидаги Горький ва Тольятти шаҳарларининг ташаббуси муносиб равишда қўллаб-қувватланмади. Бундай ёндашув билан келишиб бўлмайди. Суръатни пасайтиришимизга ҳеч ким йўл қўймайди.

Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш илғорларидан 20 минг кишининг Улуғ Октябрь 70 йиллигигача беш йиллиннинг икки йили планини бажариш тўғрисидаги ташаббуси ҳурмат ва қўллаб-қувватлашга лойиқ. Ҳар бир коллектив, ҳар бир меҳнатчи энг зўр ғайрат билан ишлашни кўзлаши, белгиланган марраларни эгаллашга интилиши лозим. Кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш, қатъий контроллик ўрнатиш — олинган мажбуриятлар муваффақиятли рўёбга чиқишининг гаровидир.

Ижрони текшириш — ҳар бир касаба союз ходимининг, ҳар бир бошланғич ташкилотнинг ишидир. Бу ишда бутун диққат-эътиборни биринчи даражали вазифаларга қаратиш муҳимдир. Меҳнат унумдорлигини кескин ошириш — шу вазифаларнинг биридир. Бу борада бизда ҳал этилмаган проблемалар жуда кўп. Масалан, ўн биринчи беш йилликда СССР қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўнинчи беш йилликка нисбатан 8 процент кўпайган бўлса, Ўзбекистонда 7 процент камайди. Ҳозир бизнинг аграр секторимиздаги меҳнат унумдорлигининг даражаси умумиттифоқ даражасининг 57 процентини ташкил этади, шу кўрсаткич жиҳатидан биз мамлакатда 14-ўринни эгаллаб турибмиз. Саноатдаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас.

Шу сабабли корхоналарни оширилган смена режимига ўтказишимиз жуда зарур. Ҳозир 1108 та корхонадан атиги 278 таси шундай режимда ишламоқда. Тошкент ва Самарқанд областларида смена коэффициенти мутлақо ошмади, Навоий областида ва Қаршида ҳатто камайиб кетди. Аммо Қўқон ва Чирчиқ шаҳарларининг иши шуни кўрсатдики, оширилган смена режими асбоб-ускуналарни иш билан тўла-тўкис таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Бироқ уларнинг тажрибаси яхши оммалаштирилмаяпти, баъзан эса янгича ишлашнинг моҳиятини сохталаштиришгача етиб бормоқдалар. Яқинда ўтказилган текшириш вақтида республика Қурилиш министрлиги 2-йиғма-темир-бетон заводи транспорт цехи ва лабораториясининг ходимлари тунги сменада ухлашдан бошқа иш қилмаганликлари маълум бўлди.

(Давоми учинчи бетда).

Узсовпроф пленуми

24 январда Ўзбекистон касаба союзлари XIII съезди сайлаган Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг пленуми бўлиб ўтди. Ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ҳ. Алимова Узсовпроф раиси ва президиумининг аъзоси этиб сайланди.

О. К. Адаманов, А. А. Эшонхўжаев, А. Г. Руденко, Т. Х. Собитов, Б. Ю. Юсупов Узсовпроф секретарлари ва президиумининг аъзолари этиб сайланди. «Тошкентстильмаш» заводининг асбобсоз слесари М. Кулибоев жамоатчилик асосида Узсовпроф секретари қилиб сайланди.

А. В. Браилов, Э. И. Брудов, Э. М. Бўтаев, Е. В. Гревцов, М. И. Иброҳимов, Ҳ. А. Исамуҳамедов, Р. И. Каримов, Ю. Муслимов, А. Тожибоев, Н. И. Таликина Ўзбекистон касаба союзлари Президиумининг аъзолари қилиб сайландилар.

* * *

Ўзбекистон касаба союзлари ревизия комиссиясининг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди. Э. Д. Боқибоев ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Агросаноат комплекси фаолиятининг ўтган йилги кўрсаткичларида яна иккита ижобий жиҳат кўзга ташланмоқда. Биринчиси: меҳнат унумдорлиги қишлоқ хўжалигида 6,9 процент, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатида 5,2 процент ошди, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўсиши қишлоқ хўжалигида 3,6 процентни, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатида 3,2 процентни ташкил этди. Иккинчиси: етиштирилган ҳар юз сўмлик маҳсулот ҳисобига моддий восталар сарфи 2,8 процент камайди. Умуман қишлоқ ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги 12 процент ошди, 23 миллиард сўм соф фойда олинди.

Бироқ деб таъкидлади докладчи, қишлоқ экономикасидаги баъзи ижобий силжишларни ўзида мужассамлаштирган бу ўртача рақамлар агросаноат каби йирик халқ хўжалиги комплексининг фаолияти ривожланишда барқарор тус олянти, биз агросаноат комплекси ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳаларида давлат томонидан ажратилаётган жуда катта маблағлардан оқилона фойдаланишни, вужудга келаётган проблемаларни вақтни бой бермай тез ҳал этишни ўрганиб олдик деган маънони билдирмайди. Йўқ, ҳозирча бундай бўлган эмас. Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг, фермаларнинг унумсизлиги ва каммаҳсуллигини, озиқ-овқат ва бошқа корхоналар унумсиз ишини, дала ва фермалардан истеъмолчиларгача бўлган йўлда маҳсулотнинг кўплаб нобуд бўлишини келтириб чиқараётган салбий ҳодисалар ҳали жуда кўп. Биз бошқаришнинг янги структураси асосида бир йил ишлаб қўйиб, хўжалик юритишнинг мукаммалроқ иқтисодий механизмига эга бўла туриб, аввало колхоз ва совхозларда унумсиз харажатларнинг тегишлича камайтирилишига, меҳнат унумдорлигини жиддий равишда ошириш учун қулай имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишга эриша олмадик.

КПСС XXVII съездидаги Сиёсий докладда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев бундай деган эди: «...Инсон тараққиётни ҳаракатга келтирувчи омил, унинг тан-жони бўлиб келди. ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигига фаол ишлашдан манфаатдор, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган, новаторлик ғайрати жўш уриб турган кишилар ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш барча муваффақиятларимизнинг энг мустаҳкам гаровидир. Бизнинг планларимиз шунга қаратилган, уларни сўзсиз бажариш муҳимдир».

Бу — инсон омилининг ҳал қилувчи роли ҳақидаги қоидадир. У объектив вазиятни аниқ акс эттиради, жамиятимиз тараққиёти тенденциялари, мамлакат иқтисодий тараққиёти сўрғаларини сифатида туб бурилиш зарурлигига асосланган.

Сўнгра докладчи коллектив пудрат ва хўжалик ички ҳисобига тўхталиб, 1982 йилда коллектив пудрат асосида ишлаганлар сони 1 миллион кишидан сал кўп бўлганлигини, 1986 йилда эса 11 миллион кишидан ортганлигини айтди. Ҳозир экин майдонларининг тўртдан уч қисми, маҳсулдор молларнинг 60 процентдан кўпроғи пудрат асосида ишлаётганларга биркитиб қўйилган. Мамлакатнинг ҳамма регионларида оила пудрати ҳам кенг оммалашиб бормоқда. Агар рақамларга қаралса — «пудрат ва хўжалик ҳисобининг музаффар юриши» кўзга ташланади, аммо назарда тутилган кўламдаги юқори ва юксак даражадаги меҳнат унумдорлигига эришилгани йўқ.

Аҳволни таҳлил қилиб, деб давом эттирди КПСС Марказий Комитетининг секретари, унинг бутун реаллиги ва зиддиятларини, фақат объектив сабабларгина эмас, шу билан бирга субъектив сабаблар ҳам келтириб чиқарган барча мураккабликлар ва қийинчиликларни кўра билиш лозим.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1986 йил декабрида мамлакат қишлоқ хўжалигида унинг ташкилий формалари ва рағбатлантириш формаларини такомиллаштириш асосида меҳнат унумдорлигини оширишнинг туб чоралари тўғрисидаги масалани ҳар томонлама кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда ҳозирги вақтда қишлоқда вужудга келган ишлаб чиқариш — иқтисодий вазият, партиянинг деҳқончилик ва чорвачиликни бутун чоралар билан интенсивлашга қаратилган йўлини изчиллик билан амалга ошириш ҳамма жойда хўжалик юритишнинг янги методларига қатъият билан ўтиш, қишлоқ меҳнатчиларининг ишлаб чиқариш активлигини кенг миқёсда ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратганлиги алоҳида таъкидланди.

Партия комитетлари колхоз ва совхозларнинг, агросаноат комплекси бошқа корхоналари ва ташкилотларининг коммунистлари билан биргаликда ҳар бир меҳнат коллективида хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини ўзлаштиришда ишларнинг аҳволини танқидий қараб чиқишлари, хўжалик ҳисоби ва коллектив пудратга ўтишнинг конкрет тадбирларини белгилашлари зарур.

1 январдан бошлаб хўжаликлар, район агросаноат бирлашмалари, комбинатлар, агрофирмалар, область, ўлка, автоном республикалар агросаноат комитетлари барча ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш пировард натижаларга боғлиқ қилиб қўйилади. Бу тадбир СССР Давлат агросаноат комитети системасидаги 30 миллиондан ортиқ кишининг манфаатларига оиддир, унинг қандай бўлиши — ижобий бўладими ёки салбий бўладими — буниси уларнинг ўзларига боғлиқ.

Звенолар ва бригадалар билан шартнома мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўла-тўкис бажарилиши коллектив пудрати ва хўжалик ҳисоби таъсирчанлигининг асосий, ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бир томондан, бу пудратчи бўлинмалар моддий-техникавий таъминоти бўлиб, планлаштирилган ҳамма нарса ўз вақтида келтирилиши ва топширилиши керак, чунки ресурслар билан гарантияли таъминланмаса пудратнинг ўзи бўлмайди. Иккинчи томондан — механизаторлар, чорвадорлар ишлаб топган пул сўнгги тийинигача тўланиши керак.

Ҳозир ҳар бир областда ва кўпчилик районларда меҳнатнинг илғор ташкилий формаларини муваффақиятли ўзлаштиришнинг етарли амалий тажрибаси бор. Одамлар билан астойдил иш олиб бориш, ҳар бир пайкал, алмашлаб экиш ва бригада участкаси ҳақиқий, жонкуяр, манфаатдор хўжайинга эга бўлиши учун изчиллик билан ҳаракат қилиш лозим. Бу — мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун асосий йўлдир, айни шу йўлда қайта қуриш ва жадаллаштириш тушунчалари чуқур мазмун билан тўлдирилади. Айни шу йўл меҳнат унумдорлигини анча оширишга, ишлаб чиқариш чиқимларини камайтиришга, сарфланаётган маблағларнинг юксак самара беришига, дала ва фермалар маҳсулдорлигини бирмунча оширишга олиб боради.

Биз ҳаммамиз колхоз ва совхозларни, бошқа корхоналарни меҳнат ва бошқаришнинг янги ташкилий формаларига ўтказиш устида янада қатъият ва изчиллик билан ишлашимиз, энг яхши хўжаликларнинг тажрибасида юксак унумдорликни рағбатлантиришнинг жўн, тушунарли ва айни пайтда самарали чораларини излашимиз лозим, деб таъкидлади нотиқ.

Оилавий ва хусусий пудрат кўпчилик территориялар учун сабзавот, мева, резавор мева, техника экинлари, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг жуда катта резерви бўлиб қолмоқда. Унинг жуда катта имкониятлари намоён бўлишига бутун куч билан ёрдам бериш керак. Бундай пудратнинг шаклларининг хилма-хил бўлиши мумкин, муҳими шундаки улар давлат, хўжалик ва оила учун фойдали бўлиши керак. Татаристоннинг Балтасин районида амалда ҳамма колхозчиларнинг оилалари ҳар гектар ерда бир-бирим тонна озуқабоп илдизмева етиштирмоқда, колхозларнинг молларини ширали озуқа билан таъминламоқда, натура билан тўланадиган ҳақ ҳисобига эса ўз шахсий молларини ана шундай озуқа билан таъминламоқда.

Шу йилдан бошлаб КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маълум қарорида кўзда тутилган хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг барча чоралари ва қоидалари тўла амал қила бошлайди, деб давом этди нотиқ. Бу муҳим, сиёсий, иқтисодий ва молиявий ҳужжат колхозлар ва совхозларнинг ички ҳаётини, уларнинг барча ташкилотлар билан амалий алоқаларини тартибга солиш воситаси бўлиши лозим.

Агар биз яқин вақт ичида колхозларнинг, совхозларнинг матлубот кооперацияси билан чинакам амалий, иқтисодий жиҳатдан ўзаро манфаатли алоқаларини йўлга қўймасак хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисида қабул қилинган қарорни бажариш шунчаки қийин бўлиб қолмай, балки уни бажариш мумкин эмаслигини ҳамма аниқ ва равшан тасаввур қилмоғи керак.

Агросаноат комплексининг янги иқтисодий механизмида ўзаро боғлиқ бўлган ана шу мураккаб ишлаб чиқаришга молия-кредит таъсирининг аҳамияти жуда ортади.

Ўтган йили сўнгги йилларда биринчи марта ялпи маҳсулотнинг кредит сарфига нисбатан илдам ўсишига эришилди. Бу биринчи муваффақиятни колхозлар ва совхозлар ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтиши чоғида узил-кесил мустаҳкамлаш мумкин бўлур эди. Бу йил мамлакатдаги колхозлар ва совхозларнинг 23 проценти ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтиши керак.

Сўнгра докладчи РАПО фаолияти, агросаноат комплексини илмий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларга, кундалик ишларга тўхталди.

Кузги экинлар алоҳида эътиборни талаб қилади. Уларнинг бир қисмини қайта экиш зарурлиги ҳозирдаёқ равшан бўлиб қолди. Бу ишга ҳамма нарса пухта тахт қилиб қўйилиши керак.

Хўжаликлар сўнгги уч ой ичида ўтган қиш давридагига нисбатан 10 процент кўп гўшт, 9 процент кўп сут етиштирдилар. Лекин бундан буён ҳам ана шу суръатни давом эттириш учун айниқса қишловнинг якунловчи босқичида зўр ғайрат билан ишлаш талаб қилинади. Чорвачиликда қишдан баҳорги-ёзги иш режимига ўтиш энг қийин давр ҳисобланади. Агар жойларда ўз вақтида чоралар кўрилмаса қишловнинг якунловчи босқичида ем-хашаксиз қолиш мумкин. Шу сабабли ҳозирнинг ўзидаёқ ем-хашак сарфланиши устидан контролни кучайтириш, озуқа ресурсларини тўлдиришнинг қўшимча манбаларини қидириб топишга ҳаракат қилиш керак. Ҳамма озуқа цехлари тўла қувват билан ишлаши лозим. Ёш моллари сақлаб қолиш масалаларига алоҳида эътибор бериш керак. Мамлакат чорвадорларининг вазифаси ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини сақлаб қолиш билан бирга уни жадаллаштиришдан иборат.

Москва областидаги «Раменский» агросаноат комбинати бош директори К. В. Куницкий, Ставрополь ўлкасидаги «Ставропольское» бройлер ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В. И. Постников, Тбилисидаги «Тбилмолоко» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Д. С. Датошвили, Новосибирск области Ординское районидаги «Большевик» колхозининг раиси Ю. Ф. Бугаков, Горький области Кувернино районидаги Ленин номли колхозининг раиси М. Г. Ваген тармоқдаги ижобий силжишлар, мавжуд ресурслардан омилкорлик билан янада самарали фойдаланиш томон бурилишда намоён бўлган хўжалик механизмини такомиллаштириш ҳақида, қишлоқ хўжалик экинзорлари унумдорлиги, фермалар маҳсулдорлигига салбий таъсир қилаётган кўнгилсиз ҳодисалар, озиқ-овқат ва қайта ишлаш корхоналарининг унумсиз ишлари, маҳсулотнинг кўплаб нобуд бўлиши ва камчиликларни тугатиш йўллари тўғрисида, янги ишга янгича ёндашиш ҳақида гапирдилар.

РСФСР Давлат агросаноат комитети раиси Л. Б. Ермин, ВАСҲНИЛ президенти А. А. Никонов, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. А. Мозговой, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов, Витебск область ижроия комитетининг раиси В. П. Кулаков, Эстония ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси Х. Т. Вельди ўз нутқларида мамлакат иқтисодий тараққиётининг сўрғаларини ва сифатлари туб бурилишида инсон омилининг ҳал қилувчи роли ҳақида, қишлоқни социал қайта қуриш, фан ва техника ютуқларини, коллектив пудрати ва хўжалик ички ҳисобини янада дадилроқ жорий этиш зарурлиги, деҳқончилик ва чорвачиликни интенсивлашнинг муҳимлиги, Озиқ-овқат программаси муваффақиятли бажарилиши учун партия, совет ва хўжалик раҳбарларининг масъулияти тўғрисида гапирдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Е. К. Лигачев** нутқ сўзлади. У бундай деди:

КПСС Марказий Комитети экономиканинг аграр секторида меҳнат унумдорлигини оширишга бағишланган мазкур кенгашни муҳим бир вақтда чақирди. Марказий Комитет 1985 йил апрель Пленуми ғояларига, партия XXVII съезди ва КПСС Программаси йўл-йўриқларига мувофиқ равишда мамлакатимизда чуқур қайта қуриш жараёни бормоқда. Жамиятимизнинг бутун ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўляпти. Партия ва халқнинг экономика ҳамда социал соҳада сифат жиҳатидан юксалишга эришиш учун кураши авж олиб боряпти.

Бутун халқимиз партиянинг йўлини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлиги совет кишиларининг олдингидек яшашни, турғунлик билан муроса қилишни хоҳламаётганликларини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда янгилайдиган, ўз моҳияти жиҳатидан революцион иш бормоқда. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда совет системасини мукаммал қилиб қайта қуриш, аммо янги, янада юксак даражада мукаммаллаштириш ва қайта қуриш рўй бермоқда.

Партиянинг сиёсий йўлини моддийлаштириш осонликча бўлаётгани йўқ. У барча мавжуд куч ва воситалардан фойдаланишни, жўшқинлик ва ташаббускорликни, қўлам ва ишчанликни, демократизмни чуқурлаштиришни, ошкораликни кенгайтиришни талаб қилади. Ҳозирги пайтда танқид ва бунёдкорлик баравар одимламоқда.

Хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини кенг жорий этиш қайта қуришнинг энг муҳим омилидир. Бу мамлакат агросаноат комплекси ва унинг асосий бўғини бўлмиш қишлоқ хўжалиги учун айниқса актуалдир. КПСС XXVII съезди ўртага қўйган совет кишилари фаровонлигини янада ошириш вазифасининг бажарилиши экономикамиз ана шу соҳасининг муваффақиятларига ёки ундаги ишларнинг юришмаслигига бевосита боғлиқдир. Чакана товар оборотининг 70 процентдан кўпроғи агросаноат комплекси маҳсулотлари ҳисобига тайёрланади.

Агросаноат комплексида ҳали кўп масалаларни ҳал этиш керак. Бироқ КПСС Марказий Комитетининг агросаноат комплексини бошқаришнинг мустақил объекти сифатида ташкил этишни бошлаб берган 1982 йил май Пленумидан кейин унинг ривожланиш якунларига объектив баҳо берар эканмиз, бу соҳада бир қатор умидбахш ижобий тенденциялар вужудга келганлигини айтишга ҳақлимиз.

Биринчидан, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ўстириш муайян барқарор тус олди. Шу йиллар ичида гўшт етиштириш 12 процент, сут етиштириш 8 процент, тухум етиштириш 12 процент кўпайди. Тўрт йилдан буён чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш планлари муттасил бажарилмоқда.

Иккинчидан деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам интенсив технологиялар тобора кенгроқ қўлланилмоқда. Ўтган йили мамлакатимиз 210 миллион тоннадан кўп дон олган экан бунда ана шу омилнинг таъсири катта.

Учинчидан, колхозлар ва совхозларнинг иқтисодий аҳволи мустаҳкамланмоқда. Май Пленумидан кейин (тўрт йил ичида ва ундан сўнг) зарар кўрадиган хўжаликлар сони уч баравардан зиёдроқ камайди.

Тўртинчидан, қишлоқда инвестиция сиёсати катта социал йўналиш томон ўзгарди. Агар май Пленумига қадар тўрт йил ичида ноишлаб чиқариш соҳасига 28 миллиард сўм ёки бутун капитал маблағ сарфи ҳажмининг 17 проценти ажратилган бўлса, Пленумдан кейин 41 миллиард сўм ёки салкам 23 процент ажратилди. Ва, ниҳоят, агросаноат комплексини бошқариш ташкилий структурасини такомиллаштириш янги хўжалик механизмини амалий ишларга жорий этиш, қишлоқ хўжалигининг халқ хўжалиги бошқа тармоқларидаги шериклари билан иқтисодий муносабатлари системасини тартибга солиши билан қўшиб олиб борилмоқда.

Партия Марказий Комитети агросаноат комплекси фаолиятига, мамлакат озиқ-овқат фондини шакллантиришга катта эътибор бермоқда. Сўнгги вақтнинг ўзидагина Марказий Комитетда Украина, Қозоғистон, Воронеж области партия ташкилотларининг деҳқончилик ва чорвачиликни жадал ва барқарор ривожлантиришни таъминлаш борасидаги ишлари кўриб чиқилди.

Кеза келганда айтиб ўтиш керакки, Украина ва Қозоғистон Компартиялари Марказий Комитетларининг ҳисоботи сўнгги 20 йилдан кўпроқ вақт биринчи марта КПСС Марказий Комитетида муҳокама қилинди. Кўриб турибсизки, Марказий Комитет съезднинг партияда танқиддан, контролдан ҳоли қоладиган ташкилот бўлмаслиги керак, деган кўрсатмасига қатъий амал қилмоқда. КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорда Украина Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети партия талабларига мувофиқ агросаноат комплексига раҳбарлик қилишни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секинлик билан қайта қуриш қўзғаётганлиги таъкидланди. Иш шу даражага бориб етдики, Украина давлат ресурсларига дон етказиб берувчи республикадан уни истеъмол қиладиган республикага айланиб қолди. Чорвачилик маҳсулотларини Иттифоқ фондига етказиб бериш республикада камайиб кета бошлади. Қозоғистонда ҳам чорвачилик ёмон аҳволда. Бу ерда чорвачилик экстенсив усулда олиб борилмоқда. Ишни катта миқдорда барбод этиш оқрқага чекиниш кўзга ташланмоқда.

Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисидаги қарори айни шу масалаларга бағишланган.

Бу йилдан бошлаб агросаноат комплекси экономикасининг бошқа тармоқлари билан бир қаторда янги иқтисодий механизм шароитида ишлай бошлади. КПСС XXVII съезди материалларида, ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқларида уни такомиллаштиришнинг принципиал йўналишлари белгилаб берилган.

Янги яхлит хўжалик механизмини барпо этишнинг мақсадга мувофиқлиги социал характердаги ўзгаришлар, хусусан одамларнинг билим даражаси ошганлиги, уларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда фаол қатнашишга интилишларига ҳам асосланади. Ҳозир маъмурий методлар билан узоққа бориб бўлмайдигина эмас, балки оқрқага кетиб қолиш мумкин. Буни таниқли совет социологи академик Татьяна Ивановна Заславская «Коммунист» журналида босилган мақоласида жуда ишонарли кўрсатиб берди.

Е. К. Лигачев агросаноат комплекси системасида инсон омилини кучайтиришнинг асосий йўналишларига ва шу муносабат билан партия комитетларининг вазифаларига батафсил тўхталди.

Бошқаришнинг иқтисодий методлари, деди сўнгра нотиқ, устун бўлмоғи керак, бошқариш услуби эса — амалий, энг зарур мажислар ва кенгашларни ҳам мумкин қадар камроқ ўтказган ҳолда, бошқарув ҳужжатлари зарур миқдори жуда кам бўлгани ҳолда жойларда ишни ташкил этишга зўр беришга қаратилиши керак. Бошқарув органлари айрим технология операциялари билан эмас (бундай операциялар билан шуғулланиш хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг бурчидир) экономика билан, кадрларни ўқитиш, янгиликларни жорий этиш, социал масалалар, агросаноат комплексини ривожлантиришда планлиликни ва мутаносибликни таъминлаш билан шуғулланишлари керак. Хуллас, фақат колхозлар ва совхозларнигина эмас, балки уларни бошқариш органларини ҳам — бутун Давлат агросаноат комитети системасини, биринчи навбатда РАПО ва область агросаноат комитетларини хўжалик ҳисобига ўтказиш масаласи етилган масала бўлиб қолди.

Нотиқ қурилишда хўжалик юритишнинг янги методларига, қишлоқ хўжалигида ихтисослаштиришга эътибор кучайиши билан боғлиқ бўлган масалаларга тўхталди. У социал омилларни тавсифлаб, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш томон чуқур силжиш бўлганлигини таъкидлади. Лекин биз йўлнинг бошида турибмиз. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисини шинам уй-жой билан таъминлашдаги тафовут камаймаяпти, балки ортиб бормоқда. Олдинда ҳали аграр секторнинг социал соҳаси замонавий моддий-техника базасини барпо этишдек катта ишлар турибди.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг секретари бундай деди: Аграр секторни ривожлантириш суръатларини оширишда катта қадам қўйиш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, бутун агросаноат комплекси соҳасига партиявий раҳбарлик даражасини жиддий равишда ошириш лозим. Ҳозир қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида деярли уч миллион коммунист банд. Аввало гап партия комитетларининг ташкилотчилик фаолияти меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг илғор формаларини ҳамда прогрессив технологияларни жорий этиш юзасидан агросаноат органлари олиб бораётган изчил ишлар билан узвий боғлиқ бўлиши тўғрисида бормоқда. Партиянинг иқтисодий сиёсатини одамларнинг ташаббуси ва куч-ғайрати билан бирлаштириш керак. Ўз-ўзидан равшанки, партия комитети учун бу ишда асосий восита — кадрлардир. Ҳақиқий партиявий иш бўлган айни кадрлар партия комитетларининг катта эътибор беришларини ва кўп куч-ғайрат сарфлашларини талаб қилади.

Нутқда саноат ва қурилиш ташкилотларининг қишлоқда оталиқ ёрдамини кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди, бунда шаҳарнинг қишлоққа ёрдам бериши анъанаси улуғ Ленин давридан бошланганлиги уқтирилди. Оталиқ ёрдамини шартнома асосида қуриш ва саноат ҳамда қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, умуман меҳнат коллективлари қишлоқни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшаётганлигидан фахрланадиган қилиб ёрдам бериш керак. Ҳар бир республика, ўлка ва область партия ташкилотларида ана шундай вазиятни вужудга келтириш лозим.

Пировардида Е. К. Лигачев бундай деди: пудрат усули билан ишлаётган коллективларнинг тажрибаси агросаноат комплексимиз жуда катта имкониятларга эга эканлигини, лекин биз бу имкониятларни жуда секинлик билан ишга солаётганимизни кўрсатмоқда. Асосий бойлигимиз — одамлар, жаддалаштиришдаги асосий резервимиз — инсон омилини кучайтиришдир. — Яна ана шундай хулосага келасан киши. Агар биз меҳнаткашлар оммасида қайта қуриш ғайратини авж олдирсак, ҳамма жойда белгиланган режалардан ўзиб кетишга қатъий интилиш муҳитини вужудга келтирсак, кутилган натижаларга албатта эришамиз.

М. С. Горбачев муҳокамага якун ясаб бундай деди:

Ўртоқлар, умуман кенгашда яхши фикрлашиб олдик, деб ўйлайман. Мен докладни ҳам, нутқларнинг анчагина қисмини ҳам назарда тутяпман. Уларда кўпгина муҳим умумлашмалар, ижобий ва салбий ҳолатларни кўрсатувчи ишонарли фактлар бор. Бироқ униси ҳам, буниси ҳам сабоқ бўлардидир. Кенгаш агросаноат комплексида олға томон жиддий силжиш қилиш — меҳнат унумдорлигини ўстириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун шарт-шароит етилганлигини яна бир бор кўрсатди.

Ҳозирги босқичда қишлоқда вужудга келтирилган потенциалдан фойдаланишни қатъиян яхшилаш вазифаси биринчи ўринга чиқди. Агар кимдир ҳозир ҳам қандай қилиб кўпроқ юлиб қолиб, кўпроқ маблағ ундиришга асосий куч-ғайратларни қаратишни давом эттирса, у энг кўпол хатога йўл қўйган бўлур эди. Биз ҳаммамиз кейинги 10—15 йил давомида кўпгина областлар, ўлкалар ва республикаларда фондлар 1,5—2 баравар ўсган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш паст суръатлар билан кўпаяётганлигини кўриб турибмиз. Шунинг учун қишлоқда вужудга келтирилган потенциални ҳаракатга келтириш энг муҳим вазифадир. Кейинги йиллар бизнинг ҳаммамизда бунга ишонч ҳосил қилди. шекилли. Бизга ҳозирги вақтда колхозлар ва совхозлар ихтиёрида бўлган ва улар шу беш йилликда оладиган ҳамма нарса самара бериши, фойдасиз капитал бўлиб ётмаслиги учун хўжалик юритиш механизми зарур. Бундай механизм агросаноат комплексида ҳозир вужудга келмоқда. Агросаноат комплекси ишда янгича ёндашувларни жорий этиш соҳасида экономиканинг бошқа тармоқлари учун намуна бўла олиши мумкин.

Юксак меҳнат унумдорлигига, ишлаб чиқаришни ўстиришга эришиш йўли инсон омилини интенсив изга, янги технологияга ўтказиш ва активлаштириш орқали амалга оширилади. Бу йўлга бошқарув системасини ва хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Бу йўлда бошқарув социал шароитларни ўзгартириш орқали борилади. Бу механизмнинг моҳияти асли ана шунда. Бугунги кунда бу шунчаки фикр-мулоҳазалар эмас. Балки буни биз колхоз ва совхозлар тўғрисида гапирилмаганда ҳам, кўпгина республикаларда синаб кўрдик. Хуллас, биз агросаноат комплекси потенциалини практикада ҳаракатга келтириш ва яхши самара олиш учун тайёр бўлдик.

Агар буларнинг ҳаммаси равшан бўлса, у ҳолда агросаноат комплексидаги кадрларимиз ва энг аввало совхозларнинг директорлари, колхозларнинг раислари, мутахассислар, шунингдек партия ва совет ходимларининг иши масаласи биринчи ўринга чиқади. Бу ишни ақл-заковат билан йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Мен ушбу кенгашда ўртоқ Михаил Горбачев Вагин икки оғиз сўз билан айтган фикрни ғоят қўллаб-қувватлаган бўлур эдим. У бундай деди: «Келинглар, бир-биримизга халақит бермайлик». Бу фикр фақат бир қарашдагина ҳазил-мутойибадек туюлади. Аслида эса, бунда чуқур маъно бор: ҳар ким ўз ишини яхши бажариши керак ва ўшанда ўртага қўйилган вазифалар муваффақиятли ҳал этилади.

Ҳақиқатан ҳам колхоз раиси ферма мудири, цех бошлиги ёки бригадирнинг ишини бажаришга умуман мажбур эмас. Бироқ у колхоз правлениесининг пудрат коллективи билан тузган шартномасидан келиб чиқадиган ишларни ўз муддатида ва тўла-тўкис бажаришга мажбур.

Бизда район агросаноат комплекслари билан ҳам ҳамма ишларни ҳозиргача жойида, деб бўлмайди. Уларнинг кўплари ўз ролларини тушуниб етмаганлар, раислар ва директорларга команда беришни ҳоҳлайдилар. Бунақаси кетмайди, ўртоқлар. Колхоздаги раис ва 40—50 мутахассис нима иш билан шуғулланиб, ишни қандай олиб бориш кераклигини район агросаноат бирлашмаси ходимларидан ёмонроқ ва камроқ биладилар, деб бўлмайди. Бу яна эски бюрократик иш методларини сургаб юриш ўчун буйруқбозлик қилиш, янги шаклни мослаштиришга уринишдан бошқа нарса эмас. Яна бир гап. Совхозларнинг директорлари, колхозларнинг раислари, бошқа ташкилотларнинг раҳбарларидан иборат район агросаноат бирлашмасининг кенгаши — бирлашманинг бош органидир. Район агросаноат бирлашмасининг раиси, унинг аппарати кенгаш ҳоҳишинг ижрочиларидир.

Район агросаноат бирлашмаси учун ҳар бир колхоз ва совхоз ўз потенциалини очмоғи ва нимаики ишлаб чиқарган бўлса шуларнинг ҳаммаси истеъмолчининг дастурхонига қўйилмоғи асосий ишдир. Бу борада унга жуда кўп нарса боғлиқ. Ҳозир янги методларни ўзлаштиришда хўжаликларга ёрдам бериш, уларга маслаҳат билан кўмаклашиш, экономистлар, олимларни жалб этиш керак. Лекин такрор айтаманки, хўжаликлар раҳбарларининг вазифасини зиммага олмаслик лозим.

Район партия комитети янги вазиятда ҳам илгаригидек ҳаракат қилавериши сира ҳам ярамайди. Ҳозир ҳам буйруқбозликдан, партия қоралаган бошқача иш шакл ва методларидан сира ҳам қутила олмаётган райком секретарлари ва қишлоқ район комитетлари бюролари ҳеч нарсани тушуниб етмабдилар. Райкомнинг вазифаси — биз агросаноат комитетида ишлаб чиққан сиёсатни бузмай, уни изчиллик билан амалга ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Райкомнинг вазифаси — кадрларни тўғри жойлаштириб, уларни ташкилотчилик ва сиёсий иш воситалари билан қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Халқ депутатлари Советлари ҳам маиший турмуш, савдо-сотиқ, коммунал хўжаликка таллуқли масалаларни, уй-жой маданий муассасалар, йўл қурилиши ва бошқа кўп масалаларни ўз вақтида ҳал этишлари керак. Буларнинг ҳаммаси ғоятда муҳим бўлиб, кадрларни мустаҳкамлаш, меҳнат коллективларини барқарор қилиш учун хизмат қилади.

Умуман олганда ҳар бир киши ўз ишини виждонан ҳал этиб, дарҳақиқат бир-бирига халақит бермаслиги даркор. Бундан умумий иш катта наф кўради.

Келинглар, ўртоқлар, дадил ва ишчанлик билан қайта қурайлик. Бизнинг агросаноат комплексимиз олға қараб катта қадам қўйиш учун етилди. Бу бугунги муҳокамадан ҳамма чиқариши лозим бўлган энг тўғри хулосадир. Сиз билан биз вазиятни шу таҳлитда тушунишдан қутулибгина қолмай, чиқарилган хулосани амалий ишларда акс эттирсак, ҳар биримиз ўзимизга топширилган ишни масъулият билан ҳал этсак, агросаноат комплексидаги ишлар, шубҳасиз юришиб кетади, ўртоқлар. Юришганда ҳам тезроқ юришади.

СИФАТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхозида экиш техникасининг ремонти бултургидан бир ой олдин тугади. Хўжаликда ишлаб турган техник хизмат пункти бунда алоҳида роль ўйнади. Ғўза чопигида ва ҳосилни йиғиб—териб олишда тракторлар ва бошқа машина-механизмларга техник қаров вақтида ўтказилганлиги туфайли бу йил ремонтга атиги 24 та трактор паркдаги жами тракторларнинг саккиздан бир қисмигина қўйилди.

— Илгари техник қаровни механизаторларнинг ўзлари ўтказишарди, —дейди инженер-технолог М. Арақулов. — Эндиликда бу ишни юксак классдаги созловчи усталар бажармоқдалар. Улар зарур ҳамма механизмлар ва асбоблар билан таъминланганлар.

Совхоз устахоналари территориясидаги махсус бинода диагностика ва машинаускуналари шатакка олиб юргизиб кўришга оид стендлар, металлга ишлов берувчи станоқлар, компрессорлар ва бошқа машина-ускуналар ўрнатилган. Бу ҳатто энг мураккаб агрегатни вақтида ғоятда сифатли қилиб тузатишга имкон беради.

Ҳозир совхоз механизаторлари терим комбайнларини ремонт қилишга киришдилар.

(ЎзТАГ).

Фарғона области.

• *Транспорт конвейерига— аниқ маром*

ЎРИНСИЗ ҲОТАМТОЙЛИК

Сирдарё областида айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида халқ хўжалиги юкларининг туриб қолиш ҳоллари тез-тез рўй бермоқда. Темир йўл вагонларидан юкларни тушириш ва юк ортиб жўнатиш ишлари ўз вақтида бажарилмаётир. Натижада кўпгина ташкилотлар жарима тўламоқдадар.

— Вагонлар оборотини издан чиқаришга сабабчи бўлаётган жаримачи ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари область партия, совет ҳамда халқ контроли органлари томонидан доимий равишда огоҳлантирилиб, йиғилишларда муҳокама этилиб келинятти,— дейди Тошкент темир йўл бўлинмасининг халқ хўжалик юкларини туширишни таъминлаш бўйича Сирдарё областидаги вакили Мухтор Тўйчиев.— Шунга қарамасдан бу ишда масъулият сезмаётган корхона ва ташкилотлар кўп.

Жаримачилар орасида ўзига хос рекорд қўйганлар бор. Сирдарё районидаги Малик пахта тозалаш заводи томонидан 1986 йил декабрь ойининг ўзида ҳар бир вагон нормадаги 2,2 соат ўрнига қарийб 30 соат ушлаб турилди. Натижада заводга 1386 сўм 40 тийин жарима солинди. Жаримани завод тўлайди. Шунинг учун корхона раҳбарлари «давлатнинг пули у ҳамёнидан бу ҳамёнига ўтса нима қилибди» деб хотиржам кайфиятда юришганга ўхшайдилар. Акс ҳолда 1986 йил давомида 10 минг 415 сўм жарима солинмасди.

Гулистон шаҳридаги бир қатор корхона ва ташкилотлар ҳам жарима тўлаш соҳасида ҳотамтой бўлиб олишган. Бу ердаги ёғ-экстракция заводи территориясига темир йўл излари орқали юк ортилган вагонлар шундоққина кириб боради-ю, таққа тўхтайди. Юк ортиш ва тушириш ишлари чўзилиб кетади. Ўтган йили юк ортиш ва тушириш жараёнларида вагон нормадаги 3,4 ўрнига 12,2 соатдан ушлаб қолинди. Ишни вақтида бажарма

Ўртоқ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВнинг

Ўзбекистон касаба союзлари XIII съездида сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Оширилган смена режимини жорий этишда касаба союзлари кўпгина иш қилишлари керак. Аввало меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонун талаблари бажарилишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишчиларнинг бевосита иштирокида ўтишига эришиш керак.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш проблемаси жуда ўткир бўлиб турибди, ўртоқлар. Бу иш жадаллаштириш стратегиясининг таркибий қисмидир. Ҳолбуки, олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш плани ўтган йили 90 миллион сўмлик миқдорда ёки 6 процентдан ҳам кўпроқ бажарилмай қолди. Аллақачон модадан чиққан ва пала-партиш тикилган кийим-кечак ва пойабзаллар магазин ва омборларда уюлиб ётибди.

33 та корхонада Давлат қабули жорий этилиши камчилик ва нуқсонларимизни янада кўпроқ ошкор қилиб қўйди. Қайта қуриш тўғрисидаги талабни кимлар партиявий руҳда қабул этганлиги, кимлар эскичасига интилаётганлиги равшан кўриниб турибди. Тошкент электр техника заводи, «Андижанэлектродвигатель» заводи январь ойининг 20 куни мобайнида бир қанча маҳсулотлар юзасидан ойлик планнинг атиги 15—20 процентини Давлат қабулига тақдим этди. Хўш бунинг сабаби нима? Сифатни таъминлашда одамлар, уларнинг ўз вазифасини бажаришга муносабати, малакаси асосий роль ўйнашини бу ердагилар унутиб қўйишди. Ишчиларни ёппасига ўқитиш ташкил этилмади. Сифат группалари расмият учунгина тузиб қўйилган.

Вазифа шундан иборатки, касаба союзлари юксак пировард натижалар учун курашдаги ўз роли ва масъулиятини чуқур англаб олсинлар. Бўшашувчанлик ва исрофгарчиликка қарши дадил ҳужум бошлаш, меҳнатнинг ташкил этилишини тубдан яхшилаш керак.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш сингари муҳим социал-сиёсий проблемани ҳал этишда ҳам касаба союзлари активлик кўрсатишлари лозим. Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ва ноишлаб чиқариш соҳасини кенгайтиришга кўмаклашиш керак. Ўн минглаб кўп болали оналарни касаначилик иши билан қандай қилиб таъминлаш устида ҳам ўйлаб кўриш даркор.

Ўтган йили Ўзбекистоннинг 30 мингдан кўпроқ вакили умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган қурилишларга жўнаб кетди. Республикалараро кадрлар айирбошлашга барча воситалар билан кўмаклашиш, меҳнаткашларнинг интернационалистик онгини мустаҳкамлаш — касаба союзларининг бурчидир.

Ишчанлик — касаба союзи иши самарадорлигини оширишнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Бунинг моҳияти иш жараёнини аниқ ташкил этишдан, меҳнат шароитларини яхшилашдан иборат. Ҳозирча бу проблемалар жуда секин ҳал этилмоқда. Бизда 27 минг киши чанг ва дуд шароитида, 21 мингдан ортиқ киши шовқин-сурон остида, 39 минг киши юқори ҳарорат шароитида меҳнат қилмоқда. Кўпгина корхоналардаги иш жойлари санитария нормаларига мос келмаслигига, энг оддий маиший хоналар йўқлигига, ошхона ва буфетлар иши тартибга солинмаганлигига касаба союзлари тоқат қила оладиларми, ахир?

Шу залда 372 аёл делегат бор. Улар халқ хўжалигида ишлаб турган 600 минг аёл меҳнатчининг вакиласидир. Улар касаба союз раҳбарларидан: нега саноатнинг ўзида 80 минг хотин-қиз оғир ва зарарли шароитлардаги ишлар билан шуғулланмоқда? — деб сўрашга ҳақлидирлар. Пахта теримида асосан хотин-қизлар ишлайди. Аммо қишлоқ жойларда болаларни боғча ва яслилар билан таъминлаш даражаси шаҳарга нисбатан икки баравар паст бўлиб, атиги 27 процентни ташкил этади. Фермаларнинг ярмидан кўпроғида санитария-маиший хоналар йўқ.

Айни мана шу соҳаларда касаба союзлари қаттиққўллик қилишлари, айниқса, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни принципиал ва муросасиз ҳал этишлари керак.

Ишлаб чиқаришдаги **хавфсизликни таъминлаш** ҳақида ҳам алоҳида ғамхўрлик қилиниши керак, ўртоқлар. Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасида, Ўрта Осиё темир йўлида, автомобиль транспортида хатарли ҳодисалар содир бўлмоқда.

Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши устидан талабчанлик ва контролни кучайтириш керак. Касаба союзлари одамларнинг сиҳат-саломатлигини сергаклик билан кузатиб боришлари, бу соҳада ҳеч қандай бўшашувчанликка йўл қўймасликлари керак.

Меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам касаба союзларига катта ҳуқуқлар берилган. Бироқ касаба союз активлари меҳнат қонунларини яхши билмаслиги, кўпинча меҳнат низоларини кўриб чиқишга принципсизларча ёндашаётганлиги ҳақида таассуф билан гапиришга тўғри келади. Ўтган йили шу масалалар юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига сал кам 1500 та, аввалги йилдагидан 140 та кўп хат тушди. Масалан, Нукус 120-автотранспорт корхонасининг шофери О. Давлетназаров қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилган ва Марказий Комитетнинг аралашувидан кейингина ишга қайта тикланди. Ҳолбуки, шунгача у барча касаба союз ташкилотларига бир неча бор мурожаат этган. Чамаси, 1986 йилда меҳнаткашларнинг даъволари юзасидан судлар кўриб чиққан 400 тадан кўпроқ ишдан 300 таси қаноатлантирилганлиги тасодифий ҳол эмас. Бу фактлардан муносиб хулосалар чиқариб олиш, меҳнаткашлар ўртасида ҳуқуқ билимлари пропагандасига, касаба союз активларини ўқитишга эътибор бериш керак.

Барча проблемаларни ҳал этишга партиявий, сиёсий руҳда ёндашиш, белгиланган мақсадларга эришишда сабот кўрсатиш лозим. Масалан, уй-жой проблемасини олиб кўрайлик. 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлашимиз учун биз учта беш йиллик мобайнида 220 миллион квадрат метр уй-жой қуришимиз зарур, бу — ўтган ўн беш йилда қурилган уй-жой миқдоридан 2,5 баравар кўп. Аммо бу лутф 33 та министрлик, идора ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитети уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш планини уддалай олмаганига касаба союзлари пассив муносабатда бўлмоқдалар. Мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, клублар, спорт иншоотлари қурилиши узлуксиз бардод этиб келинмоқда. Қўшимча имкониятлардан ёмон фойдаланилмоқда. Ўтган йили Қорақалпоғистон АССР ва Сурхондарё областида ҳар бир меҳнатчи социал соҳа объектларида тўрт кун ўрнига атиги 50 минут ишлаб берди, Қашқадарё областида эса бу усул умуман оммалашмади. Бу йил колхозлар ҳамма бўлиб 35 минг квадрат метр уй-жой қуришни мўлжалламоқдалар. Бу ҳар бир колхозга 40 квадрат метрдан тўғри келади!

Касаба союзлари уй-жой қурилишининг сифати ва бориши устидан контролликни кучайтиришлари, уй-жойни ҳисобга олиш ва тақсимлашда муносиб тартиб ўрнатишлари, жамоатчиликни қўшимча резервларни қидириб топишга сафарбар қилишлари керак.

Касаба союз ташкилотларининг тарбиявий имкониятларини ошириш — муҳим вазифадир. Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, одамларни юксак маънавий эҳтиёжлар руҳида тарбиялашда **клуб муассасалари ва спорт иншоотлари** катта роль ўйнайди. 1985 йилда КПСС Марказий Комитети шу масала юзасидан муфассал қарор қабул қилганини биласизлар. Шу қарор қандай бажарилаётганлиги партия Марказий Комитетида икки марта, зонал кенгашларида уч марта муҳокама қилинди.

Кўпчилик клублар, спорт заллари ҳувиллаб ётганлиги ёки уларга одамлар кам келаётганлиги учун Ўзбекистон танқид қилинди. 500 ва ундан кўпроқ киши яшайдиган аҳоли пунктларининг 28 процентида доимий маданият масканлари йўқ. 158 та район марказидан атиги 39 тасида типовой маданият уйлари бор. Биздаги ҳар бир клуб муассасасига 4200 киши, мамлакатда эса 2000 киши тўғри келади.

Кейинги йилларда биз спортнинг кўпгина турларида ўз позициямизни бериб қўйдик. Айниқса, қишлоқ жойларда физкультуранинг даражаси ҳаддан ташқари паст. Касаба союзларининг тўрт миллион аъзоси физкультурага жалб этилмаган.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети маданият ва спортни ривожлантириш масалаларини яна бир бор синчиклаб кўриб чиқиши, мавжуд база тўла қувват билан ишлашига эришиши, маданият-спорт комплекслари барпо этилишини таъминлаши, меҳнаткашларнинг турмушига физкультурани сингдириши лозим.

Хуллас, ўртоқлар, **гап барча бўғинлардаги касаба союз органларининг ишга янада ташаббускорлик, ижодкорлик билан муносабатда бўлишлари, касаба союз фаолиятининг услубини такомиллаштиришлари ҳақида бормоқда.** Бир ойдан сўнг мамлакат касаба союзларининг XVIII съезди ўз ишини бошлайди. Ҳисобот ва сайлов чоғида пишиб етилган масалалар ҳақида, расмиятчиликка ва чора-тадбирларнинг қалаштириб ташланишига ҳамма жойда ҳам чек қўйилмаганлиги тўғрисида тўғридан-тўғри ва рўйрост гапирилганлиги жуда соз бўлди.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг аппарати ҳам шу камчиликлардан ҳоли эмас, 1986 йилда у жойларга 6 мингтадан кўпроқ ҳужжат юборди. Касаба союз ходимлари кўпинча у ёки бу қарорнинг бажарилиши учун амалий ишлар билан эмас, балки навбатдаги қарорни қабул қилиш билан ҳисоб беришга интилмоқдалар.

Иккита характерли мисол келтираман. Санаторий-профилакторийлар тармоғини ривожлантириш учун ҳали кўп иш қилишимиз кераклиги сир эмас — ҳозирча 1000 ишловчига 26 йўлланма тўғри келмоқда. Бу мамлакатдаги энг паст кўрсаткичлардан биридир. 1980 йилда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг ташаббуси билан республика Министрлар Совети санаторий-профилакторийлар қурилишини авж олдириш, кўрсаткични 35 йўлланмагача етказиш тўғрисида қарор қилди. Бироқ Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети унинг секретари Ўртоқ О. К. Адаманов белгиланган режанинг бажарилишини таъминламадилар, ишнинг барбод қилинганига муросасизлик билан қарадилар.

Коллектив боғдорчилик ва полизчиликни ривожлантиришдек муҳим масалани ҳал этишда ҳам Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети тузукроқ қатъият кўрсатмаяпти. Сурхондарё, Хоразм областларида, Қорақалпоғистон АССРда шу пайтгача биронта боғдорчилик ва полизчилик ширкати тузилмаганини бошқа нима билан изоҳлаш мумкин. Ҳолбуки, бу масала учун Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари Ўртоқ Т. Х. Собитов, бошқа масъул ходимлар жавоб берадилар-ку, ахир.

Иш услубини қайта қуриш йўлларини КПСС XXVII съезди аниқ белгилаб берди. Барча раҳбарлар кабинетларда камроқ ўтиришлари, бошланғич ташкилотларга, коллективларга боришлари, партия қарорлари қандай бажарилаётганини текширишлари, бу қарорларнинг амалга оширилишини уюштиришлари керак.

Ўртоқлар, ошкораликни, танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳар томонлама ривожлантириш, одамлар билан маслаҳатлашиб туриш, жамоатчилик фикрини ўрганиш бениҳоя муҳимдир. Коллективда, шаҳарда, республикада нималар рўй бераётганини ҳар бир киши билишни истайди ва билиши керак. Демократия муҳитидагина одамларда масъулият ҳиссини тарбиялаш, ташаббускорликни ривожлантириш мумкин.

Кадрлар билан ишлашда ҳам меҳнат коллективларининг фикрини эътиборга олиш лозим. Кейинги вақтларда касаба союз комитетлари ва цех комитетлари составида коммунистлар, хотин-қизлар камайиб қолди. Маданият ходимлари касаба союзи область комитетларининг раислари ва секретарлари орасида атиги 50 процентга яқини мутахассислардир. Кўпгина комитетларнинг кадрлар билан ишлаш перспектив планлари йўқ. Пахтакор район матлубот союзининг раиси бухгалтерни ўз қарори билан қасаба союз комитетининг раиси этиб тайинлаб қўйди. Мирзачўл район маиший комбинати касаба союз комитетининг раиси ҳам шу йўл билан тайинланди. Бу —бориб турган ўзбошимчаликдир.

Касаба союз ишига янги, сергайрат ва обрў-эътиборли кишиларни кўтариш Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг, касаба союзлари комитетларининг энг муҳим вазифасидир. Бизда бундай кишилар кўп. Сайлаб қўйилган касаба союз активлари бошқарув ва демократиянинг яхши мактабидан ўтадилар. Муносиб ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, фан ва маданият арбоблари, ёшлар, аёллар, республикада яшовчи халқлар бутун қардошлик оиласининг намояндалари шу мактаб сабоғини олишлари керак.

Ўртоқлар! Беш йиллик иккинчи йилининг биринчи ойи тугаб бормоқда. Хўжалик юритишнинг интенсив усулларини амалий равишда кўзлаб иш тутиш бу йилнинг ўзига хос хусусиятидир. Аммо биз йилни сусткашлик билан бошладик. Кўпгина корхоналар топшириқларни уддалай олмаётганликлари январнинг 20 куни якунларидан кўриниб турибди. Темир йўл ва автомобиль транспорти жуда тиғизлик билан ишламоқда. Ёқилғи-энергетика комплексининг фаолиятида нуқсонлар кўп.

Вазифа январь ойи ва умуман йил планларини бажариш учун курашни кучайтиришдан иборат. Экономика барча тармоқларининг уюшқоқлик билан барқарор ишлашини таъминлаш учун касаба союз ишининг оғирлик маркази меҳнат коллективларида бўлиши керак. Одамларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитлари учун касаба союзлари жавоб беради. Ташаббускорлик қулф уриши учун, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида план ва мажбуриятлар бир маромда бажарилиши учун, интизом, тартиб ва уюшқоқлик ҳар томонлама мустаҳкамланиши учун касаба союзлари жавобгардир.

Съездда бир талай амалий мулоҳаза ва таклифлар айтилди. Одамлар умумий иш учун жон қуйдираётганликлари жуда яхши. Уларнинг ҳамма истаклари ҳисобга олиниши ва умумлаштирилиши керак. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг янги раҳбарлари ҳар бир амалий таклифни қўллаб-қувватлашлари лозим. Барча касаба союз ташкилотларининг собитқадамлик билан, қатъият билан аҳил ишлашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комил ишонч билдириб айтадики, касаба союзлари ишлаб чиқариш ва социал вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ўз масъулиятини янада кучайтирадилар, қайта қуришни бутун чоралар билан чуқурлаштириб, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ТЕХНИКА БИЛАН ҚАЙТА ҚУРОЛЛАНТИРИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ

Мавжуд ишлаб чиқаришни **техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш** ишларига аввалги йилга нисбатан 6 процент кўп маблағ сарфланди. Ишлаб чиқариш қурилишига сарфланган капитал маблағнинг умумий ҳажмида шу мақсадлар учун қилинган харажатларнинг улуши 21 процентга етди.

РЕСУРСЛАРНИ ТЕЖАШ

Меҳнат ресурсларидан бирмунча оқилона фойдаланила бошланди. Миллий даромадни ўстиришнинг 60 процентидан кўпроғи ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан қўлга киритилди, 100 мингдан кўпроқ кишининг меҳнатини тежаш таъминланди.

Меҳнат коллективларининг ташаббускорлиги ошмоқда, интизом мустаҳкамланмоқда, иш вақтининг зое кетиши ва кадрларнинг қўнимсизлиги камаймоқда.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси янада оммалашмоқда. Аммо унинг энг илғор формалари —хўжалик ҳисоби, пудрат шароитида ишлаш формалари ҳали ҳам паст даражада турибди.

Иш жойларини аттестациядан ўтказиш ва оқилона ташкил этиш тадбирлари кўрилди. Шу билан бирга кўпгина тармоқларда бу иш ҳали суст олиб борилмоқда ва сезиларли натижалар бермаяпти.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача йиллик сони сал кам 5 миллион кишини ташкил этди.

Бевосита ишлаб чиқаришда 264,5 минг кишига янги касблар ўргатилди.

Шу билан бирга бир қанча тармоқларда дипломли мутахассислардан нооқилона фойдаланиш практикаси ҳукм сурмоқда. 100 мингдан кўпроқ дипломли мутахассис бундай тайёргарлик даражаси талаб қилинмайдиган лавозимларда ишламоқда.

Қора металлар прокатини, ёғоч материалларни ва қозонпечь ёқилғисини **тежаш юзасидан** белгиланган топшириқлар бажарилди. Халқ хўжалигининг иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжлари ўсишининг 20 процентдан кўпроқ қисми, электр энергияга бўлган эҳтиёжлар ўсишининг 40 процентдан зиёд қисми иссиқлик ва электр энергиясини тежаш ҳисобига таъминланди. Шу билан бирга айрим министрлик ва идоралар моддий ресурслардан оқилона фойдаланмадилар, натижада материал ва ёқилғи-энергетика ресурсларининг кўпчилик асосий турларини тежаш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмай қолди. Халқ хўжалигида иккиламчи хом ашёдан етарли фойдаланилмади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

286 та корхона икки-уч сменали иш режимига ўтказилди, шунинг ҳисобига 13,4 минг киши қўшимча равишда ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилди, жисмоний ва маънавий эскирган 4,7 мингта асбоб-ускуна, 69 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдони холи этилди, смена коэффициенти ошди.

Янги ишга туширилган ва реконструкция қилинган қувватларни ўзлаштиришда катта камчиликлар давом этиб келмоқда. Жиззах аккумулятор заводида ва Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида янги ишга туширилган қувватлар ҳаддан ташқари паст даражада ўзлаштирилмоқда. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Хўжайли йигирув-тўқув фабрикаси, Чорток тикув-трикотаж фабрикаси, Жарқўрғон йигирув фабрикаси сингари корхоналарида янги ишга туширилган объектлар қониқарсиз ўзлаштирилмоқда.

Айрим министрликлар ва идоралар маҳсулот таннархини камайтириш топшириқларини бажармадилар.

БОШҚАРУВНИ ВА ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Саноатда ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг учдан бир қисмига яқини хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлаб, саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг қарийб ярмисини ишлаб чиқарди.

Бир қанча министрликларда шартномавий мажбуриятларни бажариш яхшиланди, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари ошди.

Халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини бошқаришнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш натижасида бошқарув органлари аппарати ходимларининг сони қисқарди.

Хўжалик юритишнинг янги усуллари ҳали етарли равишда интенсив ўзлаштирилмаяпти, республика экономикасини ривожлантиришда сифат жиҳатдан янги силжишларга эришишга етарли даражада таъсир ўтказмаяпти.

III. МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ САНОАТ

Саноатда **маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган шартномавий мажбуриятларни** бажариш бирмунча яхшиланди. Бироқ маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш плани 98,1 процент бажарилди. Ҳар уч корхонанинг бири шартномавий мажбуриятни бузишга йўл қўйди.

Маҳсулот реализация қилиш йиллик плани 101 процент бажарилди, Навоий областидан ташқари, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Электр техника саноати министрлиги, СССР Автомобиль саноати министрлиги, СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министрлиги, СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги, СССР Енгил саноати министрлиги, СССР Геология министрлигининг корхоналаридан ташқари Қорақалпоғистон АССР, барча областлар, кўпчилик саноат министрликлари топшириқларнинг бажарилишини таъминладилар.

Маҳсулотнинг кўпчилик энг муҳим турларини **ишлаб чиқариш** топшириқлари ошириб бажарилди.

Меҳнат унумдорлиги 3,5 процент ошди, ишлаб чиқаришни ўстиришнинг 57 проценти шунинг ҳисобига таъминланди. Унинг ўсиши ўртача иш ҳақининг ошишидан илдамроқ борди. Саноат маҳсулотининг **таннархини камайтириш** плани бажарилди.

Комплексларда ва **министрликларда** ишлаб чиқаришнинг ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари саноат маҳсулотини реализация қилиш планининг бажарилиши қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1986 йил 1985 йилдагига нисбатан процент ҳисобида		
	ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги	маҳсулот реализация қилиш йиллик планининг бажарилиш процента
Ёқилғи-энергетика комплекси	110	108	102
Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	109	108	100,0
СССР Нефть саноати министрлиги	102	102	105
СССР Газ саноати министрлиги	118	117	106
СССР Кўмир саноати министрлиги	114	110	110
Металлургия комплекси	105	105	101
СССР Қора металлургия министрлиги	107	108	100,5
СССР Рангли металлургия министрлиги	104	104	101
Машинасозлик комплекси	107	104	100,9
СССР Электр техника саноати министрлиги	109	105	98
СССР Химия машинасозлиги министрлиги	106	107	104
СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги	109	112	101
СССР Автомобиль саноати министрлиги	117	47	94
СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги	105	104	102
СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги	106	104	106
Химия-ўрмон комплекси	114	111	100,4
СССР Нефтни қайта ишлаш ва химия саноати министрлиги	100,1	99,7	102
СССР Химия саноати министрлиги	112	111	102
СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги	121	116	99,0
СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги	111	107	98
Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги	104	102	101
Агросаноат комплекси	102	100,3	100,9
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети	104	101	102
Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети	105	105	100,9
Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги	105	102	104
Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги	103	105	100,3
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	105	106	100,1
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги	107	103	100,9

Қорақалпоғистон АССРда, областларда ва Тошкент шаҳрида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ва реализация қилиш планининг бажарилиши кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1986 йилда 1985 йил га нисбатан процент ҳисобида		
	ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги	маҳсулот реализация қилиш йиллик планининг бажарилиш проценти
Қорақалпоғистон АССР	104	100,1	103
Андижон области	101	94	100,4
Бухоро области	108	106	101
Жиззах области	112	108	100,7
Қашқадарё области	116	113	100,2
Навоий области	107	104	98
Наманган области	104	99,2	102
Самарқанд области	99,9	99	100,1
Сурхондарё области	113	109	102
Сирдарё области	108	108	101
Тошкент области	106	105	101
Фарғона области	107	104	102
Хоразм области	105	101	104
Тошкент шаҳри	104	103	101

Энг муҳим саноат комплекслари соҳасида ишлаб чиқариш планининг бажарилиши қуйидагича.

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ

Йиллик пландан ташқари 90 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди, 1985 йилга нисбатан электр энергия ҳосил қилиш 9 процент кўпайди. Кўмир, нефть ва газ қазиб олиш топшириқлари ошириб бажарилди.

МЕТАЛЛУРГИЯ КОМПЛЕКСИ

Металл маҳсулотларининг асосий турлари — пўлат ва прокат ишлаб чиқаришнинг планлаштирилган даражасига эришилмади.

СССР Қора металлургия министрлиги билан СССР Рангли металлургия министрлигининг корхоналари шартномавий мажбуриятларни бажаришда анча орқада қолишга йўл қўйдилар.

МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ

	1986 йилда ишлаб чиқарилди	йиллик планнинг бажарилиш проценти	1986 йилда 1985 йилга нисбатан процент ҳисобида
Куч трансформаторлари — дона	14631	105,7	168,6
Электр пайвандлаш ускуналари, минг сўм	27979	100,7	119,1
Оптика-механика приборлари ва аппаратлари, минг сўм	22892	105,0	111,5
Химия асбоб-ускуналари ва уларнинг запас қисмлари, минг сўм	35844	100,3	108,2
Йигирув машиналари, дона	1704	110,1	106,3
Кўприк кранлари, электр кранлар (жумладан махсус электр кранлар), минг сўм	11523	107,0	106,3
Лифтлар, минг сўм	33521	100,8	109,0
Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар, минг сўм	9372	101,2	116,5

Машинасозлик комплексидаги маҳсулотнинг жами ҳажми умуман саноатдаги маҳсулот ҳажмидан кўпроқ ўсди.

Шу билан бирга машинасозлик комплексида хўжалик юритишнинг янги шароитлари имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилмади. Комплексдаги кўпчилик министрликларда шартнома мажбуриятлари ўтган йилдагига нисбатан анча кам бажарилди.

Бир қанча машинасозлик корхоналаридаги ишнинг бир маромда эмаслиги давом этмоқда. Электр техника саноати, қурилиш, йўл, қишлоқ хўжалик машинасозлиги маҳсулотининг айрим турлари соҳасида ойнинг сўнгги кунларида ойлик программанинг ўндан бир қисмидан кўпроғи ишлаб чиқарилди, бу эса маҳсулот сифатининг пасайишига олиб келди.

ХИМИЯ—ЎРМОН КОМПЛЕКСИ

	1986 йилда ишлаб чиқарилди	йиллик планнинг бажарилиш проценти	1986 йилда 1985 йилга нисбатан процент ҳисобида
Минерал ўғитлар (тўйимли моддалари 100 процентга айлантириб ҳисобланган), минг тонна	1764,1	99,8	114
Олтингугурт кислотаси, минг тонна	2457,1	103	107
Химиявий тола ва иплар минг тонна	42,3	93	111
Қоғоз, минг тонна	25,6	100,3	102
Картон, минг тонна	55,2	100,8	100,7

Пландан ташқари 71,7 минг тонна олтингугурт кислотаси, 81 тонна қоғоз, 0,4 минг тонна картон ишлаб чиқарилди.

Шу билан бирга планга нисбатан 3,6 минг тонна минерал ўғит, 3,1 минг тонна химиявий тола ва иплар, 58,8 минг тонна синтетик аммиак кам берилди.

СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлигининг, СССР Химия саноати министрлигининг ҳамда Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигининг бирлашма ва корхоналари бултур шартномавий мажбуриятларни бажаришда анча орқада қолишга йўл қўйдилар.

ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИ САНОАТИ

	1986 йилда ишлаб чиқарилди	йиллик планнинг бажарилиш проценти	1986 йилда 1985 йилга нисбатан процент ҳисобида
Йиғма темир-бетон конструкция ва буюмлар, миллион куб метр	6,2	99	103
Шифер, миллион шартли тахта	438	98	103
Иморатбоп ғишт, миллион дона	1890	97	101

Қурилиш оҳаги, деворбоп материаллар, ғовакли тўлдиргичлар ишлаб чиқариш юзасидан планда кўзда тутилган даражага эришилмади.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

	1986 йилда ишлаб чиқарилди	йиллик планнинг бажарилиш проценти	1986 йилда 1985 йилга нисбатан процент ҳисобида
Ип-газлама, миллион квадрат метр	365,8	92	104
Шойи газлама, миллион квадрат метр	132,4	100,1	93
Нотўқима материаллар, миллион квадрат метр	136,1	99,4	115
Пайпоқлар, миллион жуфт	73,0	104	114
Ички ва устки трикотаж, миллион дона	76,4	99,96	126
Пойабзал, миллион жуфт	36,3	102	103
Чинни-фаянс идишлар, миллион дона	64,1	100,8	100,2

1986 йилда 9,6 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. 1985 йилга нисбатан мол ишлаб чиқариш 2,4 процент кўпайди.

Халқ истеъмол қиладиган кўпчилик молларни ишлаб чиқариш юзасидан планда белгиланган топшириқлар ошириб бажарилди. Пландан ташқари 177 минг квадрат метр шойи газлама, 2,5 миллион жуфт пайпоқ, 0,5 миллион дона чинни-фаянс идишлар ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Шу билан бирга ип-газлама, тикувчилик саноати маҳсулотлари, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш планлари бажарилмади.

Халқ истеъмол қиладиган бир қанча молларнинг сифати ҳали ҳам паст.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Агросаноат комплекси тармоқларининг ходимлари ўтган йили баъзи ижобий натижаларга эришдилар, бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтирдилар.

Агросаноат комплекси озиқ-овқат тармоқларининг товар маҳсулоти 2,3 процент кўпайди.

Колхоз ва совхозларда раҳбарликнинг иқтисодий методларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, коллектив пудратни, бошқарувнинг цех структурасини, хўжалик ҳисобини жорий этиш соҳасида иш олиб борилди.

Шу билан бирга **қишлоқ хўжалик маҳсулотининг умумий ҳажми** 1985 йилга нисбатан 2,7 процент камайди. Ижтимоий қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг пландаги даражасига эришилмади.

(Давоми тўртинчи бетда).

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ДЕҲҚОНЧИЛИК

Ҳамма категориялардаги хўжаликларда деҳқончилик асосий маҳсулотларини етиштиришга оид маълумотлар қуйидагилардан иборат:

(минг тонна)

	1981—1985 йиллар (йилига ўрта ҳисобда)	1985 йил	1986 йил
Дон	2450,2	1541,2	1247,5
Пахта	5723,5	5381,8	4989,0
Картошка	305,2	240,7	308,6
Сабзавот	2505,8	2385,6	2491.1
Хўраки полиз маҳсулотлари	3930,3	790,0	626,0
Мева ва резавор мевалар	782.2	633,0	646,5
Узум	611,2	635,6	687,6

1986 йилда Қорақалпоғистон АССР ва барча областлар пахта етиштириш соҳасида. Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сирдарё ва Хоразм областлари сабзавот етиштириш соҳасида, Қорақалпоғистон АССР билан Сурхондарё областидан ташқари барча областлар хўраки полиз маҳсулотлари етиштириш соҳасида, Андижон, Сурхондарё ва Хоразм областларидан ташқари ҳамма областлар ва Қорақалпоғистон АССР мева ҳамда резавор мева етиштириш соҳасида ўн биринчи беш йилликда эришилган ўртача йиллик даражадан орқада қолишга йўл қўйдилар.

Асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги аввалги беш йилликдаги ўртача ҳосилдорликдан паст бўлди.

Бир қанча колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг интенсив методларига секинлик билан ўтилмоқда, етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига, техниканинг бекор туриб қолишига, мелиорацияланган ерлардан самарасиз фойдаланилишига йўл қўйилмоқда.

1987 йил ҳосили учун замин яратилмоқда. Қорақалпоғистон АССРда ва кўпчилик областларда ерларни шудгор қилиш юзасидан белгиланган план топшириғи бажарилмади. Бир қанча хўжаликларда қишлоқ хўжалик техникаси сут суръатлар билан ремонт қилинмоқда, органик ва минерал ўғитлар далаларга секинлик билан ташиб чиқарилмоқда.

Давлат йўли билан картошка, сабзавот, узум **харид қилиш** ўтган йилга нисбатан кўпайди. Андижон, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё. Тошкент ва Фарғона областларининг колхоз ҳамда совхозлари давлатга дон сотиш планини бажардилар. Аммо умуман республикада дон харид қилиш плани атиги 65 процент бажарилди.

Картошка, сабзавот, мева ва резавор мева, узум харид қилиш қуйидагича бўлди:

(минг тонна)

	1986 йил	Йиллик планнинг бажарилиш процента	1986 йилда 1985 йилга нисбатан процент ҳисобида
Картошка	204,6	122,5	141,7
Сабзавот	1949,1	104,2	111,8
Мева ва резавор мевалар	272,1	80,3	99,6
Узум (янги узумга айлантириб ҳисобланган майиз шу ҳисобга киради)	606,8	99,5	110.9

Ўтган йилга нисбатан 60,2 минг тонна кўп картошка, 205,7 минг тонна кўп сабзавот, 59,7 минг тонна кўп узум харид қилинди.

Бухоро областида картошка, Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган областларида сабзавот, Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм областларида узум 1985 йилга нисбатан камроқ харид қилинди.

ЧОРВАЧИЛИК

Ҳамма категориядаги хўжаликларда бу тармоқ маҳсулотларини **етиштиришга** оид маълумотлар қуйидагилардан иборат:

	1981—1985 йиллар (йилига ўрта ҳисобда)	1985 йил	1986 йил
Гўшт (сўйилган вазнда) минг тонна	377,8	386.0	383,7
Сут, минг тонна	2447,8	2438,8	2475,8
Тухум, миллион дона	1773,3	1947,7	2012,0
Жун (физик вазнда), минг тонна	24,1	23,5	21,1

Жамоат хўжаликларида сут етиштириш 5 процент, тухум етиштириш 8 процент кўпайди. Сут ва тухум етиштиришни кўпайтиришга асосан маҳсулдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўрта ҳисобда 190 килограмм ёки 10 процент, тухум қиладиган ҳар бир товуқдан олинган тухум ўрта ҳисобда 12 дона ёки 8 процент кўпайди. Молларни болалатиш кўпайди (қўзи ва тўқли олиш кўпайгани йўқ).

Ҳамма категориядаги хўжаликларда маҳсулдор чорва моллар **туёғи** қуйидагича бўлди:

(минг бош)

	1986 йил 1 январигача	1987 йил 1 январигача
Қора моллар	4099,8	4040.9
шу жумладан сигирлар	1559,4	1542.7
Чўчқалар	728,3	760,4
Қўй ва эчкилар	9256,3	8707,4

Колхоз ва совхозлар чорва молларнинг кўплаб нобуд бўлиши оқибатида ҳали ҳам катта зарар кўрмоқдалар. 1986 йилда Қорақалпоғистон АССР хўжаликларининг ўзида 5000 бош қорамол ёки пода оборотига нисбатан 2,6 процент, қўй ва эчкилар 48 минг бош ёки 8,4 процент нобуд бўлди. Хоразм области хўжаликларида ҳам қорамолларнинг, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Хоразм областларининг хўжаликларида қўй ва эчкиларнинг нобуд бўлиш проценти юқори.

Барча категориядаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш маълумотлари қуйидагилардан иборат:

	1986 йил	Йиллик планнинг бажарилиш процента	1986 йилда 1985 йилга нисбатан процент ҳисобида
Чорва ва парранда (тирик вазнда), минг тонна	336,7	102,0	106,7
Сут, минг тонна	871,8	100,2	112,8
Тухум, миллион дона	1207,3	100,6	111,4
Жун (соф толага айлантириб ҳисобланган), минг тонна	17,6	100.8	99,7

Пилла, қоракўл тери харид қилиш планлари бажарилди.

Тайёрлов ташкилотлари чорва ва сутни бевосита етиштириладиган жойларда қабул қилишни суст ривожлантирмоқдалар.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ

Энг муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1986 йилда ишлаб чиқарилди	Йиллик планнинг бажарилиш процента	1986 йилда 1985 йилга нисбатан процент ҳисобида
Гўшт (саноатда ишлаб чиқарилгани), минг тонна	245	95	106
Колбасалар, минг тонна	53,8	103	103
Сариёғ, минг тонна	14,6	99	134
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (сутга айлантириб ҳисобланган), минг тонна	585,4	106	106
Маргарин маҳсулотлари, минг тонна	26,7	95	94
Ўсимлик ёғи, минг тонна	508	101	113
Макарон маҳсулотлари, минг тонна	76.1	100,6	100,0
Кондитер маҳсулотлари, минг тонна	169	98	102
Консервалар, миллион шартли банка	1062	113	121
Минерал сув, миллион ярим литр	208,9	99,5	149

Планга нисбатан 8,8 минг тонна гўшт, 183 тонна мол ёғи, 2,8 минг тонна кондитер маҳсулотлари, 2,2 миллион декалитр алкоголсиз ичимликлар, 1 миллион ярим литрли минерал сувлар етказиб берилмай қолди.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИ

Қишлоқ хўжалиги бирмунча миқдорда техника ва минерал ўғитлар олди.

СССР Озиқ-овқат программасини бажаришни таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга капитал маблағ сарфи 3,7 миллиард сўмни ташкил этди. Шу маблағдан 3,1 миллиард сўми қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, шу жумладан 1,4 миллиард сўми мелиорация қурилишига сарф бўлди.

Қишлоқ хўжалигида 51,2 минг бош қорамол, 44,1 минг қўй ва 107 минг бош парранда боқиладиган чорвачилик бинолари қурилди. Паррандачилик фабрикаларининг тухум ва гўшт етиштирадиган қувватлари оширилди.

Давлат маблағлари ҳисобидан 61 минг гектар янги суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилди, 239 минг гектар яйловга сув чиқарилди, 104 минг гектар мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. 64 минг гектар суғориладиган ерлар яхшилаб текисланди, илгари сув чиқарилган 983 минг гектар яйловда сув хўжалиги иншоотлари реконструкция қилинди, 170 минг гектар майдонда суғориш системаларини қайта қуриш ва бу ерларнинг сув билан таъминланишини яхшилаш ишлари амалга оширилди.

Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқарадиган қувватлар фойдаланишга топширилди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1986 йилда 1985 йилдагидан 174 миллион сўмлик кўп **асосий фондлар** ишга туширилди. Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 6,9 миллиард сўм **капитал маблағ** ўзлаштирилди.

Комплекслар ва министрликлар бўйича давлат маблағлари ҳисобига асосий фондларни ишга туширишнинг планларининг бажарилиши ва ўсиш суръати қуйидаги маълумотлар билан белгиланади:

Асосий фондларни ишга туширишнинг йиллик планнинг бажарилиш процента, 1986 йилда 1985 йилга нисбатан процент ҳисобида

Ёқилғи—энергетика комплекси	77	81
СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	77	48
Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	81	81
СССР Нефть саноати министрлиги	114	114
СССР Газ саноати министрлиги	69	50
«Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси	96	99,9
СССР Кўмир саноати министрлиги	69	188
СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги	92	102
Металлургия комплекси	83	234
СССР Қора металлургия министрлиги	38	173
СССР Рангли металлургия министрлиги	96	210
Машинасозлик комплекси	71	127
СССР Электрохимия саноати министрлиги	42	27
СССР Химия машинасозлиги министрлиги	82	151
СССР Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги	106	92
СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги	79	163
СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги	72	77
СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги министрлиги	69	129
Химия-ўрмон комплекси	66	115
СССР Нефть химияси саноати министрлиги	30	152
СССР Химия саноати министрлиги	67	155
СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги	77	99.6
СССР Медицина ва биология саноати министрлиги	7	84
СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги	62	105
Агросаноат комплекси	83	96
СССР Давлат агросаноат комитети	57	60
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети	84	108
Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети	45	100,7
СССР Дон маҳсулотлари министрлиги	93	124
Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги	86	176
СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	59	97
Главсредазирсовхозстрой (Ўзбекистон ССР территориясида)	77	100,9
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	95	99,3
Қурилиш комплекси	62	180
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	72	142
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	67	128
Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги	54	224
Главташкентстрой	62	134
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	61	105

Янги Ангрен ГРЭСида янги турбиналар, Ангрен кўмир конида кўмир қазиб чиқарадиган қувватлар, Навоий агрохимия заводида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини, Тошкентдаги «Компрессор» заводида компрессорлар, Андижон областидаги Охунбобоев подшипник заводида подшипниклар ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга солинди.

Тошкентдаги ҳажмли блок уйсозлик экспериментал заводи, Наманган областининг Тўрақўрғон районида ғишт заводи, Фарғона областидаги Горскийда йигирув фабрикаси, Андижон областидаги Шаҳрихонда тикувчилик-трикотаж фабрикаси, бир қанча босмахоналар ва бошқа корхоналар ишга туширилди.

Андижон областидаги Советобод шаҳрида, Фарғона областидаги Қапчиғайда ва Тошкент шаҳрида темир-бетон буюмлари заводларида йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарадиган қувватлар фойдаланишга топширилди. Бир қанча йигирув-тўқув фабрикаларида тўқув дастгоҳлари ўрнатилди.

Ўтган йилда инвестиция жараёнида туб ўзгариш бўлмади. Асосий фондларни, бир қанча муҳим ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишнинг планлари бажарилмади. Металлургия, машинасозлик, химия ва қурилиш комплекслари министрликларига қарашли корхоналар айрим ишлаб чиқариш қувватларини, шунингдек ҳадқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга туширишни таъминламадилар.

Хўжалик усули билан бажариладиган ишлар ҳажми секин ўсмоқда. Айниқса СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетида қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмида хўжалик усули билан бажарилаётган ишларнинг салмоғи кам.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари ўз кучлари билан бажарган **пудрат ишлари ҳажми** 2,6 процент, меҳнат унумдорлиги 1 процент ошди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртача иш ҳақининг ўсишидан илдам бўлди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги пудрат ишлари планини бажармади.

Қурилишда пудратчи ташкилотларнинг фаолиятига ишга тушириладиган объектларда бажарган ишлари ҳажмига қараб ва бошқа объектлардаги ишларнинг технология босқичлари ва комплексларига қараб баҳо беришга ўтиш бошланди.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Ўрта Осиё темир йўлининг Ўзбекистон территориясида жойлашган **бўлимлари** халқ хўжалик юкларини жўнатиш йиллик планини 105 процент бажарди. Локомотив ва вагоннинг ўртача суткалик унумдорлиги ва вагонлардаги юкларнинг тушириб олиниши 1985 йилда эришилган даражадан ошди.

Шу билан бирга, темир йўлнинг бир қанча бўлимлари бинокорлик материаллари, цемент, нефть юкларини жўнатиш топшириғини бажармади.

Ҳаво транспорти авиацияда юк ва пассажир ташишнинг умумий ҳажми, пассажирларни, юкларни ва почтани жўнатиш юзасидан белгиланган топшириқни бажарди. 5,5 миллион киши манзилга элтиб қўйилди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида пассажирлар ташиш 2,8 процент кўпайди. Автобусларда 2 миллиарддан кўпроқ киши элтиб қўйилди.

Ишга яроқли ҳолда юк автомобилларининг юксиз юриши ва бекор туриши ҳали ҳам камаймаяпти, автомобилларнинг ремонтда бўлиш ва ремонтни кутиш пайтидаги бекор туришлари қисқармаяпти.

Халқ хўжалигининг транспорт айрим турларида бир қанча юкларни ташишга бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис таъминланмади. Аҳолига хизмат қилишдаги камчиликлар тугатилгани йўқ, поездлар, самолётлар, автобусларнинг ҳаракат жадвали бузилмоқда, транспорт хизматининг сифатини ошириш керак.

Алоқа корхоналари асосий фаолиятдан даромад олиш планини бажардилар; 1985 йилга нисбатан алоқа хизматининг ҳажми 2,2 процент кўпайди.

IV. СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ ВА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Экономикани ривожлантириш асосида социал тараққиёт ва халқ фаровонлигини оширишнинг КПСС XXVII съездида қабул қилинган программаси рўёбга чиқарилмоқда.

Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилган **миллий даромад** 5,4 процент кўпайди.

МЕҲНАТ ҲАҚИ ВА АҲОЛИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ

Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи 1985 йилдаги 164 сўмдан 166 сўмгача етди. Колхозчиларнинг ўртача ойлик меҳнат ҳақи ортиб, 130,1 сўмдан 135,8 сўмга етди. Аҳолининг реал даромадлари ошди.

Умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими мастерлари, раҳбар ва бошқа педагог ходимлари иш ҳақи ставкаларини ва мансаб окладларини ошириш ниҳоясига етказилди.

Врачларнинг ҳамда соғлиқни сақлаш ва социал таъминот бошқа ходимларининг иш ҳақи оширила бошлади.

Саноат ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик ва технология ташкилотлари илмий ходимлари, конструкторлари ва технологлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитларига асосан ўтказилиб бўлди. Саноатдаги кўпгина конструктор ва технологлар ҳам иш ҳақига қўшимча ола бошладилар. Енгил саноатдаги айрим касб ишчиларининг тариф ставкалари кўпайтирилди. Тикувчилик, пойабзал ва кўнчилик саноатида кўп ишлаганлик учун қўшимча ҳақ белгиланди ҳамда тунги вақтдаги иш учун қўшимча ҳақ оширилди. Мазкур тадбирлар меҳнат коллективлари ишлаб топган маблағ ҳисобига амалга оширилмоқда.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 6,8 миллиард сўм ёки 1985 йилга нисбатан 335 миллион сўм кўп тўлов ва имтиёзлар олди. Ана шу тўлов ва имтиёзларни ҳисобга олганда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ойига 249 сўмни ташкил этди.

Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига давлатнинг ҳар ойги нафақалари, қишлоқ жойларда яшовчи ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган пенсионерларнинг пенсиялари кўпайтирилди. Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига бериладиган тўлов ва имтиёзларни кўпайтириш юзасидан бошқа тадбирлар ўтказилди.

Давлат ички заёмлари облигацияларининг ҳақини қайтариб бериш давом эттирилди.

АҲОЛИНИ МОЛЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг комплекс программасини рўёбга чиқариш соҳасидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборот 13.9 миллиард сўмни ташкил этди ва 1985 йилга нисбатан таққослама нархларда 0,5 миллиард сўм кўпайди.

Алкоголли ичимликлар сотишни ҳисобга олмаганда умуман республикада чакана товар оборот плани бажарилди. Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм областлари планнинг бажарилишини таъминламади.

Халқ истеъмол моллари сотиш 8 процент кўпайди. Чакана товар оборотининг структурасида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Алкоголли ичимликлар сотиш учдан бир ҳиссадан зиёд камайиши натижасида товар оборотининг умумий ҳажмида бу ичимликларнинг улуши анча қисқарди, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат молларнинг солиштирма салмоғи ошди.

Давлат ва кооператив савдосида айрим молларни сотиш кўпайганини қуйидаги маълумотлардан билиб олиш мумкин:

	1986 йилда 1985 йилга нисбатан процент ҳисобида
Ғалла маҳсулотлари	101
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	106
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	100,1
Мол ёғи	105
Ўсимлик ёғи	106
Маргарин маҳсулотлари	98
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (пишлоқ ва бринзадан ташқари)	106
Пишлоқ	80
Тухум	106
Қанд-шакар	110
Кондитер маҳсулотлари	102
Чой	108
Картошка	111
Сабзавот	108
Мева ва резавор мевалар	106
Алкоголсиз ичимликлар	128
Минерал сувлар	126
Мева ва сабзавот шарбатлари	154
Алкоголли ичимликлар	60
Тамаки маҳсулотлари	104
Кийим-кечак, ич кийим ва газламалар	106
Трикотаж маҳсулотлари	112
Пайпоқлар	115
Пойабзал	111
Чинни-фаянс, майолика ва шиша идишлар	103
Совун ва синтетик кир ювиш воситалари	106
Мебель	110
Холодильник ва морозильниклар	94
Шу жумладан камерасининг ҳажми 200 куб дециметр ва ундан ортиқ бўлган холодильник ҳамда морозильниклар	102
Кир ювиш машиналари	116
Электр пилесослар	105
Соатлар	95
Фотоаппаратлар	124
Радиоприёмник қурилмалари	102
Телевизорлар	102
Шу жумладан рангли тасвирдаги телевизорлар	109
Магнитофонлар	118
Велосипед ва мопедлар	90
Мотоцикль ва мотороллерлар	95
Енгил автомобиллар	92
Ёғоч материаллар	138
Шифер	121
Томга ёпиладиган пўлат тунука ва бошқа металл маҳсулотлар	119

Аҳолини сабзавот ва мевалар билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Айни вақтда, колхоз ва совхозларнинг мазкур маҳсулотни давлат ҳариди план ҳажмининг 30 процента ҳисобига шаҳар бозорларига келтириб сотиши қониқарсиз амалга оширилмоқда.

Магазинларга юборилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг сифати кўп ҳолларда харидорларнинг талабларига мос келмаяпти.

Гарчи республика маҳаллий бинокорлик материалларини сотиш топшириғини бажарган бўлса ҳам, аммо аҳолини шу материаллар билан таъминлашда аввалгидек узилишлар рўй берди. Аҳолини ёғоч ва бинокорлик материаллари билан таъминлашни ташкил қилишда камчиликлар бор.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг илғор формаларини жорий қилиш давом эттирилди. Магазинларда моллар нинг 70 процентга яқини ўзига ўзи хизмат қилиш усулида сотилди. Шу билан бирга савдо тармоғига молларнинг қадоқлаб ўралган ҳолда юборилиши кўпаймаяпти, бу эса ўзига ўзи хизмат қилиш усулини жорий этиш самарадорлигини пасайтиради.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг ишчи ва хизматчилари ошхона ва буфетлар тармоғи билан нормативга нисбатан 85 процент, олий ўқув юртларининг ўқувчилари 60 процент, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари 73 процент, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари 75 процент таъминланган. Умумий овқатланиш корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати ва хизмат савияси аҳолининг талаб-эҳтиёжларини кўпинча қондирмаяпти.

Аҳолига ҳақ олиб 1,7 миллиард сўмликдан зиёд турли хизматлар кўрсатилди, бу соҳадаги план 95,2 процент бажарилди. Хизмат соҳасини кенгайтириш ва ривожлантиришда дуруст ташаббускорлик кўрсатилмаяпти, кўпгина корхоналарда одатдаги хизматлар —коммунал ва уй-жой хўжалиги, болалар мактабгача тарбия муассасаларининг хизматлари ишнинг асосий қисмини ташкил этади. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг, Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалик министрлигининг, Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг корхоналари ва бошқа баъзи корхоналар ҳақ олиб хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган планларни бажармадилар.

Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 9,5 процент, қишлоқ жойларда 11,7 процент кўпайди, аҳоли салкам 456 миллион сўмлик маиший хизматдан фойдаланди. Андижон, Наманган ва Сурхондарё областларигина маиший хизмат кўрсатиш йиллик планларини бажарди.

Товар оборoти ва хизмат кўпайган бўлсада, аҳолининг айрим моллар ва хизматларга ошиб бораётган талаби тўла-тўкис қондирилмади. Кўпгина моллар ва хизматларнинг сифати ҳали ҳам талаб-эҳтиёжлардан орқада қолмоқда, буюртмалар ҳамон узоқ муддатда бажарилмоқда шаҳар ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш даражаларидаги тафовут ҳали ҳам катта.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ

Уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилди. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан жами саҳни 5,8 миллион квадрат метр уй-жой бинолари ёки 81,7 мингта янги шинам квартира фойдаланиш учун топширилди.578 минг киши янги уйларга кўчиб чиқди. Бироқ уй-жой биноларини фойдаланиш учун топшириш плани умуман бажарилмади. Ўзбекистон ССР Саноат паррандачилиги давлат комитети, Ўзбекистон ССР Уй-жой ва коммунал хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, шунингдек бир қанча область ижроия комитетлари давлат капитал маблағлари ҳисобидан уй-жой биноларини фойдаланиш учун топшириш юзасидан белгиланган топшириқни уддаламади.

Жами саҳни сал кам 2 миллион квадрат метр келадиган 50 мингта квартира капитал ремонтдан чиқарилди.

Агросаноат комплекси ходимларининг турмуш шароитларини яхшилаш программаси амалга оширилди. Улар учун жами саҳни 2,7 миллион квадрат метр уй-жой бинолари қурилди.

ХАЛҚ МАОРИФИ ВА МАДАНИЯТ

Таълимнинг ҳар хил турларига 6,4 миллион киши жалб этилди.

Умумий таълим ва ҳунар мактабида ислоҳот амалга оширилмоқда. 1986-87 ўқув йилида ўн бир йиллик мактабнинг янги программаси асосида биринчи синфнинг 73,1 минг ўқувчиси, шу жумладан умумий таълим мактабида 56,4 минг ва мактабгача тарбия муассасаларида 16.7 минг бола таълим олмоқда. Юқори синфларнинг 498,9 минг ўқувчиси информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари курсини ўрганмоқда. Мактаб ўқувчиларининг ижтимоий фойдали меҳнати учун базавий корхоналар ускуналаб берган иш жойлари сони сал кам 68 мингтага етди.

1986 йилда 370,4 минг йигит ва қиз ўрта маълумот олди, шу жумладан 71,7 минг йигит ва қиз ёки уларнинг бешдан бир қисми ихтисос (касб) эгаллади.

Доимий мактабгача тарбия муассасаларида бир миллиондан кўпроқ бола тарбияланмоқда. Шу билан бирга ота-оналарнинг ўз фарзандларини мактабгача тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги 98 мингтага яқин аризаси қондирилмади.

Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан 181,9 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 7,8 минг ўринли ҳунар-техника билим юртлари, 51,2 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари ишга туширилди.

Мактабгача тарбия муассасаларини ишга туширишнинг плани бажарилмади. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Саноат паррандачилиги давлат комитети ва Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги давлат капитал маблағи ҳисобидан бу соҳадаги планнинг бажарилишини таъминламади.

Олий ўқув юртлари 47 мингга яқин мутахассис тайёрлаб чиқарди.

Ўрта махсус ўқув юртларини 86 минг киши битирди.

1986 йилда 43,3 миллион нусха китоб ва брошюра нашр этилди.

8 мингтага яқин оммавий кутубхона, салкам 4,5 мингта клуб муассасаси, 6 мингтадан зиёд киноустановка, шунингдек республика музейлари ва профессионал театрлари аҳоли ўртасида маданий-маърифий иш олиб бормоқда. Ҳар 1000 аҳолига оммавий кутубхоналар китоб фондининг 4.3 минг нусха китоби тўғри келади, музейларни бориб кўриш 0,4 мингни ва театрларга тушиш 0,3 мингни ташкил этади. Кино сеансларини кўриш сони 193 миллиондан ошди. Аммо ҳали ҳам бир қанча йирик қишлоқ аҳоли пунктларининг аҳолисига йил мобайнида кино кўрсатилгани йўқ.

Ўтган йили пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан 15,4 минг ўринли клублар ва маданият уйлари фойдаланиш учун топширилди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Барча ихтисослардаги врачлар сони 2,5 минг киши, касалхоналардаги ўринлар миқдори 6 мингта кўпайди. 10 минг аҳоли ҳисобига 34 врач ва касалхоналарда 121 ўрин тўғри келади.

Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан 5,2 минг ўринли касалхоналар, ҳар сменада 10,3 минг беморни қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари қурилди. Бироқ аҳолининг медицина хизматига бўлган эҳтиёжи ҳали тўла-тўкис қондирилмаяпти. Касалхоналарни ишга туширишнинг плани бажарилмади. Қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш даражаси анча орқада қолмоқда. Ёппасига диспансердан ўтказишни жорий қилиш суст суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Физкультура ва спортни ривожлантириш соҳасида кўрилаётган тадбирларга қарамай, аҳолининг атиги учдан бир қисми физкультура билан мунтазам равишда шуғулланмоқда.

Бир миллионга яқин бола ва ўсмир ёзни пионер ва мактаб лагерларида, саёҳат—туризм базаларида, ўтказди ёки ёз даврида болалар муассасалари бўлган дала жойларга бориб дам олди.

1000 аҳоли ҳисобига 1985 йилдаги 37,2 ўрнига 1986 йилда 37,3 чақалоқ туғилди. Ўлим 1985 йилдаги 7,2 дан 7.0 га тушди. Бахтсиз ҳодисалар, заҳарланиш ва майиб бўлиш оқибатида ўлиш қисқарди. Республика аҳолиси ўтган йили 525,9 минг кишига кўпайди. Ўзбекистон ССРнинг жами аҳолиси 1987 йил 1 январида 19 миллион кишидан ортди.

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, осмон ҳавзасини ифлосланишдан ҳимоя қилиш, ёввойи жониворлар ва паррандаларни урчитиб кўпайтириш, ўрмон массивларини ривожлантириш соҳасидаги тадбирлар амалга оширилди.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун ўтган йили давлатнинг 80 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағи сарфланди. Бироқ атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги объектларни қуриш плани бажарилмай қолди.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Р.—08528. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В.—21. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12